

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

www.ishonch-doverie.uz

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

2011-yil 4 avgust № 94-95 (2976) payshanba




## Жавлон — Жаҳон фан олимпиадаси совриндори



Бухоро давлат университети-нинг Қорақўл туманида жойлашган 3-академик лицейи ўқувчиси Жавлон Исомуродов математика фани бўйича Голландияда ўтказилган 52-Жаҳон олимпиадасида юқори натижани қўлга киритди. Халқаро билимлар синовида ёш ҳамюртимиз дунёнинг 105 мамлакатидан келган 600 нафардан зиёд тенгдошлари орасида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали билан тақдирланди.

— Билим масканимиз мустақиллик йилларида таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар туфайли катта ютуқларга эришмоқда, — дейди академик лицей директори Тўхтамурод Жумаев. — 2009 йилгача ихтисослашган мактаб-интернат сифатида фаолият кўрсатган муассасамиз илғор педагогик технологияларни жорий этишда катта тажриба тўплади. Ўқувчиларимиз ўз билимлари жаҳон андозаларига тўла жавоб беришини исботламоқда. Улар шу кунгача математика, физика ва кимё фанлари бўйича жаҳон ва халқаро олимпиадаларда 25 медални қўлга киритгани бунинг ёрқин далилидир. Бундан икки йил илгари билим масканимиз биноси замонавий талаблар асосида янгидан қурилди. Ёшларимизнинг янада чуқур билим олишлари учун имкониятлар кенгайди. Ҳозир бу ерда 450 нафар ўғил-қиз таълим олмақда. Мустақил Ўзбекистонимиз иқтидорли ёшларининг вакили сифатида Жавлоннинг Голландиядан бронза медали билан қайтиши барчамизни қувонтирди.

Э.ЁДГОРОВ,  
ЎЗА мухбири



Шоҳсанамнинг  
салонлари  
кўпаяди

4-бет →



Оқ отдаги  
хукмдор

10-11-бетлар →



Вирусли  
гепатит —  
ҳаёт учун хавфли


13-бет →

САХИФАЛАРИМИЗДА

## Қарор Ва ижро

Халқимизнинг маънавий-руҳий ҳаётида алоҳида ўрин тутувчи муборак Рамазон ойи кириб келмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 26 июлда қабул қилинган «Муборак рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарорига биноан юртимизда бу фазилатли кунларни миллий анъана ва урф-одатларимизга мос равишда ўтказишга катта тайёргарлик кўриляптир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи Ортиқбек ЮСУПОВ Рамазон ойининг мазмун-моҳияти, халқимиз ҳаётида тутган ўрни ва бу борада амалга оширилаётган чоратadbирлар ҳақида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:



# Қаноат ва шукроналик ойи

Имом Мотуридидий, Шоҳи Зинда, Марғилондаги Бурҳониддин Марғиноний, Пурсиддик, Термиздаги Имом Термизий, Шаҳрисабздаги Дорус-саодат, Қаршидаги Кўкғумбаз, Хивадаги Ичан қалъа, пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом каби улкан мажмуалар қайта тикланди. Шунингдек, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Имом Мотуридидий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдуҳолик Гиждувоний каби буюк улаомларимиз, азиз-авлиёларимиз хоки-поклари обод, руҳлари шод этилди.

ва таълимни ривожлантириш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент ислом институти ва Тошкент ислом университети каби олий таълим муассасаларида ёшларга диний ва дунёвий фанлардан пухта билим берилмоқда.

Булардан ташқари, мамлакатимизда бир қатор ўрта махсус ислом билим юртлири ҳам фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўқувчи-талабаларимиз диний ва дунёвий фанларни ўрганмоқда. Талабаларимизга малакали устоз-мураббийлар ва ўқитувчилар янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда таҳсил бераётир. Уларнинг битирув тўғрисидаги шаходатномалари Президентимиз Ислам Каримовнинг қарорига мувофиқ давлат шаходатномалари қаторида эътироф этилган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва қарори билан юртимиздан етишиб чиққан олимларимиз ҳаёти ва ижодини, илмий салоҳиятини аҳолига ва дунё жамоатчилигига танитиш учун, шунингдек, диний ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида 2008 йилда Самарқанд вилоятида Имом Бухорий халқаро маркази ташкил этилди. Марказ асосан икки йўналиш: илмий-тадқиқот ва диний мутахассис — имом-хатибларнинг малакасини ошириш бўйича фаолият олиб боради. Бугунча келиб марказда мингга яқин диний ходим ўз малакасини оширди.

Юртимиздан Ҳаж ва Умра ибодатлари учун бораётган зиёратчиларимизнинг сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Ватандошларимиз бу улғу ибодатларни эсон-омон ва қулай адо этишлари учун ҳукуватимиз томонидан барча зарур шароитлар яратилмоқда. Юртбошимиз томонидан Ҳаж ва Умра тад-

меҳр-муруват кўрсатишлари, солиҳ ва эзгу амаллар қилишлари лозим. Бу ойда яхшиликлар янада кўпайтирилади, камчилик ва нуқсонлар мағфират қилинади.

Инсон комиллиги, аввало, унинг фазилатларига боғлиқ. Рамазон ойи рўзаси кишини ана шундай фазилатлардан бири — сабр-қаноатга ўргатади. Имон тақозо қилган шукроналик, ифбат, ҳалимлик каби яхши хулқлар сабрда муҷассамдир.

Рамазон тарбия ойи ҳамдир. У инсонларни ёлғончилик, гийбатчилик, фисқу фасод ишлардан қайтаради. Ҳалолликка, меҳнатсеварликка, ҳушмуомалалликка чақиради. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилади.

Рамазон ойининг яна бир муҳим фазилати — бу саховат ойдир. Бу жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро тенглик, меҳр-муруват муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Азал-азалдан ушбу муборак ойда ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланган. Бу жиҳат мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатига ҳам бевосита уйғундир.

Ҳаётимиз кўрки, жамиятимиз файзи ўзаро аҳил-иноқликда. Бунга, аввало, яхши кўни-қўшничилик, қариндошлик ҳақларига мукамал риоя қилиш, маҳалла-кўйда бир-бирига ёрдам бериш орқали эришилади. Рамазон ойида беморлар ҳолидан хабар олиш, кексаларни йўқлаш, қўлмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, болаларга ҳадялар бериш гўзал урф-одатларимиздандир.

Рамазон ойида бой миллий кадрятлар ва анъаналаримиз, саховат каби инсонпарварлик туйғуларимиз янада кенгрок намоён бўлади. Ушбу муборак ой мустақиллигимизнинг йигирма йиллик тўйи арафасига тўғри келаётганлиги жойлардаги кўтаринки руҳни янада оширмоқда.

Рамазон ойини ана шундай тартиб-таомилларга амал қилиб, тинчлик, осойишталик ва хурсандчиликда ўтказиш ҳаммамизга насиб этсин. Юртимиз тинч, халқимиз фаровон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

ЎЗА мухбири  
Анвар САМАДОВ ёзиб олди

— Рамазон ойининг моҳиятида инсонийлик, эзгулик, маънавий поклик фазилатлари муҷассамдир, — дейди О.Юсупов. — Бу ой жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, эл-юртимизга хос эзгу хислатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улғулашда муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг қарорига айнан ана шу хислат ва фазилатларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Муқаддас ислом динининг беш фарзидан бири бўлган бу ой руҳлари юртимизда эмин-эркин, қаноат ва шукроналик билан адо этиляптир. Бу, аввало, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизга ато этилган азиз неъмат — истиқлол шарофатидир. Чунки айнан мустақиллик туфайли дину диёнатимиз тикланди, мамлакатимизда виждон эркинлиги амалда таъминланмоқда.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан Самарқанддаги

Бугун ушбу масканларга ташриф буюрган юртдошларимиз ва хорижий меҳмонлар ўзлари учун руҳий мадад, маънавий куч-қувват олмақда. Ўзбек халқининг қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бетакрор мероснинг вориси эканини теран ҳис этмоқда.

Мустақиллик йилларида муқаддас динимизнинг асоси бўлмиш Қуръони Карим ўзбек тилига таржима қилиниб, минглаб нусхада чоп этилди. Бундан ташқари, 2004 йилда Ўзбекистонда кўзи ожизлар учун брайл ёзувидаги Қуръон чоп этилди. Ана шу хайрли ишни Ўзбекистон дунёда учинчи бўлиб амалга оширди.

Мамлакатимизда илм-фан

## Етакчи минбари

Истиқлол йилларида иқтисодийтимизнинг қон томири бўлмиш темирйўл соҳасида қатор янгиланишлар кўзга ташланиб, улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бунда сафида 80 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган Ўзбекистон темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан тармоқни ривожлантириш учун чет эллик ҳамкорлар билан фаол иш юритила бошланди. Натижада Осий Тараққиёт банки сармояси ҳисобидан «Келес-Самарқанд-Бухоро» ораллигидаги 661 км.ли темир йўллар қайтадан таъмирланди, янги темирйўл линиялари барпо этилди. Шунингдек, «Тошкент-Мароқанд», «Тошкент-Хўжакент», «Тўқимачи-Ангрен» линиялари электрлаштирилди. Юртимиз шимолида Қорақалпоғистон ҳудудини Хоразм вилояти билан боғлайдиган Амударё орқали қўшма темирйўл — автомобил йўли кўприги қурилди.

Мамлакатимизда илм-фан

хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Тошкентдан Самарқандга «Регистон», Қаршига «Насаф», Бухорога «Шарқ» сингари тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Утган даврда компания корхоналарида бўлиб ўтган тузилмавий ўзгаришларга каса-

# Касаба уюшмаси

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Тошкентдан Самарқандга «Регистон», Қаршига «Насаф», Бухорога «Шарқ» сингари тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилди.

ба уюшмаларининг тузилиши ҳам мувофиқлаштириб борилди. Жумладан, Ховос темирйўл узелидаги барча корхоналардаги касаба уюшма ташкилотлари ягона Ховос узели корхоналари бошланғич касаба уюшма қўмитасига бириктирилди. Компаниянинг ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси ва янги ташкил этилган махсус механизациялашган йўл станцияси корхонасида касаба уюшма ташкилотлари ташкил этилди. Шунингдек, темирйўл трансporti муҳандислари институти ходимлар ва талабалар касаба уюшма ташкилотлари бирлаштирилиб, институт ходимлари ва талабалар бошланғич касаба уюшма қўмитасига айлантирилди.

Ҳозирда темирйўлчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш мақсадида «Назарбек», «Чимён», «Сихаттоҳ» санаторий-профилакторийлари, «Хўжакент» дам олиш оромгоҳи фаолият

кўрсатмоқда. Уларда бир вақтнинг ўзида 600 нафардан зиёд темирйўлчи дам олаётти. Хусусан, «Назарбек» сихаттоҳида дам олувчилар йил сайин ортиб, сўнгги ўн йил ичида 35787 нафар ҳамюртимиз соғлигини тиклади.

Марказий кенгаш томонидан ўтган йили 4826 нафар темирйўлчи ва уларнинг оила аъзоларига сихаттоҳ ва дам олиш масканларига, сув спорти ҳавзасига йўлланмалар берилди. Жорий йилнинг 6 ойида эса 3241 кишига йўлланма ажратилди.

Ҳар йили тармоққа қарашли «Қибрай», «Бурчмулла», «Янги авлод», «Темирйўлчи», «Дўстлик» оромгоҳлари ҳамда «Қўнғирот» санаторий-профилакторийсида соҳа меҳнаткашларининг фарзандлари ёз мавсумида соғломлаштирилмоқда. Сўнгги пайтда йилига 6800 нафардан зиёд бола дам олдириляпти.



Болаларни сермазмун ва қизиқарли дам олишлари учун оромгоҳда «Тасвирий санъат», «Моҳир қўллар», «Миллий рақс», «Спорт ўйинлари», «Сузишни ўрганиш» каби тўғараклари ишлаб келди, шу билан бир қаторда кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда 270 та бола оромгоҳда соғломлаштирилмоқда. Оромгоҳ маъмурияти ва тармоқ касаба уюшмаси кенгаши томонидан уларнинг кўнгилли дам олиши доимий назоратга олинган.

**К. ХАСМАНОВ,**

Тошкент шаҳар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг Ижтимоий Ҳимоя бўлими бошлиғи

Бўстонлик тумани Оқтош кўрғонида жойлашган «Сўғдиёна Соғлиқ» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бу йилги мавсумда 966 нафар болалар соғломлаштирилди.



## Ёз мароқли ўтмоқда

Фарғона туманининг Хонқиз қишлоғида жойлашган «Тонг» соғломлаштириш оромгоҳида ўғил-қизлар ёзги таътилни мароқли ўтказмоқда.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи тасарруфидаги мазкур оромгоҳда болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси томонидан барча шароит яратилган. Ўнлаб спорт тўғараклари болажонлар хизматида. Иккита сув ҳавзаси, стадион, спорт майдонлари, адабиётларга бой ахборот-ресурс маркази, компьютерлар маркази, турли тўғарак хоналари мавжуд.

— Маданий тадбирларнинг ўтказилиши ўғил-қизларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтирмоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Алижон Жўраев. — Яқинда Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Буёқ ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказилган «Мустақиллик — менинг тақдиримда» номли маънавий-маърифий тадбирда болажонлар фаол иштирок этиб, Ватанни улуғловчи куй ва кўшиқларни ижро этишди.

Оромгоҳда, шунингдек, Хонқиз, Чимён қишлоқларидаги муқаддас зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштирилди. Айниқса, Хувайдо зиёратгоҳи болажонларда катта таассурот қолдирди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

Тошкент вилояти таълим муассасалари қошидаги кундузги оромгоҳларда жорий йилда 12150 нафар болани дам олдирдиш режалаштирилганди. Мавсум давомида эса 106 та оромгоҳ 12755 нафар ўғил-қизни кучоғига олди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан мактаблар қошидаги болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларини ташкил этиш, мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режиси ҳамда услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, шу асосда туман, шаҳар бирлашган касаба уюшма кўмиталари билан биргаликда иш олиб борилди.

## Доимо эътиборда

Жумладан, Куйичирчиқ, Зангиота, Қибрай туманлари, Бекобод, Ангрен шаҳарларида туман, шаҳар ҳокимликлари иштирокида ўқув-амалий семинарлар ташкил этилиб, оромгоҳларда болалар ётоқхоналари, ошхона, тиббиёт хоналари, машғулот хоналари, спорт майдончаларида таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари алоҳида эътибор қаратилди. Малакали тарбиячилар, етакчи ва тўғарак раҳбарлари жалб қилинди.

Мазкур дам олиш масканлари ҳомийлар томонидан сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Болаларнинг мароқли дам олишини ташкил этиш мақсадида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг вилояти бўлини маси, «Ёшлар» телерадиоканали «Болалар табассуми» кўрсатуви ижодкорлари билан ҳамкорликда турли маданий тадбирлар ўтказилди.

— Ҳар бир туман, шаҳар бир-

лашган кўмиталари тасарруфидаги энг яхши оромгоҳга бассейн, спорт жиҳозлари ва кийимлари, бадий адабиётлар, болалар энциклопедиси, канцелярия моллари совға қилинди, — дейди тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши ижтимоий-иқтисодий Ҳимоялаш бўлими мудир Р.Тожибоев. — Таъкидлаш лозимки, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан вилоятда болаларнинг мароқли дам олишини ташкил этиш учун 6 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Оромгоҳлар ўртасида «Мустақиллик — менинг тақдиримда» мавзусида Мустақилликнинг 20 йиллик байрамини акс эттирувчи расмлар кўриқ-танловлари ташкил этилиб, қоғозлар вилоят кенгаши ҳамда туман, шаҳар бирлашган касаба уюшма кўмиталарининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ**

## фаол бўлса...

Соҳа ходимлари ва уларнинг фарзандларини ҳар томонлама баркамол ва соғлом бўлишида Марказий кенгаш тасарруфидаги «Локомотив» Марказий жисмоний тарбия ва спорт клуби ҳамда унинг Бухоро, Самарқанд, Қарши, Кўнғирот, Урганч ва Кўқон бекатларидаги филиалларининг ёрдами катта бўлмоқда.

Бокс бўйича Олимпия захира мактаби ҳам клуб тарихига кириб, ҳозирда унда 600 нафар бола шуғулланади. Сўнгги беш йил ичида улар орасидан 15 нафар спорт устаси, 51 нафар спорт усталигига номзод ва 163 нафар 1-тоифали спортчилар тайёрланди.

Тармоқда ўзининг бой аъёнларига эга соғлиқни сақлаш тизими бор. Ҳозирда Тошкентда марказий клиник шифохона, марказий поликлиника, болалар шифохонаси, «Саломатлик» тиббий-санитария ёрдам поезда, темирйўл қон қуйиш стан-

цияси, санэпидстанция, шунингдек, яна 9 та катта бекатда бирлашган шифохоналар фаолият кўрсатади.

Мустақиллик йилларида темирйўлчилар томонидан Тошкент ва Нукус шаҳарларида янги темирйўл касб-хунар коллежлари қурилди. «Термиз» МТУда «Наврўз» ва «Гуллобод» наслчилик-чорвачилик маҳмуалари ташкил этилгани ҳам темирйўлчиларнинг эришган катта ютуқларидан бири бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, қаерда касаба уюшма ташкилоти фаоллари яхши ишласа, иш берувчи билан елкама-елка туриб фаолият олиб борса, улкан муваффақиятлар қўлга киритилади.

**Қутлимурот СОБИРОВ,**  
Ўзбекистон  
темирйўлчилари ва транспорт  
курувчилари касаба уюшмаси  
Марказий кенгаши раиси

### 28 нафар

#### болакай тўйи

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги шодиёналари бошланиб кетган шу кунларда Гиждувондаги «Висол» тўйхонасида ҳам муҳим бир тадбир бўлди. Вилоят «Меҳр-мурувват» жамоат фонди ташаббуси билан Бухоро, Гиждувон ва Пешку туманларидаги кам таъминланган оилаларнинг 28 нафар фарзандлари тўйи ўтказилди. Ҳомийлар ёрдамида байрамона безатилган дастурхон атрофида шод-хуррамлик ҳукми сурди.

**Иззатулла ХОЖИЕВ,**  
«Ishonch» муҳбири

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдида қорақалпоғистонлик болажонларнинг 2500 нафари юртимизнинг сўлим оромгоҳларида дам олиш, саломатлигини мустаҳкамлаш бахтига мушарраф бўлишди. Бу йил дам олувчилар сонининг 500 нафарга кўпайиб, нафақат Тошкент вилояти, Жиззах, Самарқанд вилоятларидаги оромгоҳларда ҳам дам олиш имкони яратилди. Шу кунларда мароқли дам олиб қайтган болажонлар таассуротини ҳикоя қилишдан чарчашмапти. Ота-оналарнинг хурсандлиги эса болаларниқидан ўн чандон. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига ҳар кун кўплаб ота-оналар кўнғироқ қилиб ёки хат орқали миннатдорликка тўла дил сўзларини изҳор этишапти. Куйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

## «Эҳтиромимиз чексиз»

1998 йилда туғилган ўғлим Торехан Смайлов Тошкент вилоятидаги «Стрелцова» болалар дам олиш марказида ҳордиқ чиқариш, саломатлигини мустаҳкамлаш имконига эга бўлди. Ўғлимни Нукус темирйўл вокзалида кузатиб, ўн беш кундан кейин кутиб олдим. Фарзандим оромгоҳдаги ҳар бир кун мароқли кечганини, кўнгилли дам олганини, тарбиячиларининг меҳрибонлигини ҳаяжон билан гапириб берди. Унинг бўйи чўзилганини кўриб қувондим. Мана шундай имкониятни яратган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига ташаккуримни айтаман.

Дуйсенбой СМАЙЛОВ

\* \* \*

Неварам Тимур Генжебаев Тошкент вилоятида жойлашган «Стрелцова» оромгоҳида дам олиб қайтди. Икки ҳафтада неварамнинг дунёқарашини, фикр доирасини анча кенгайтганини сездим, мароқли дам олганидан, кўплаб дўстлар орттириганидан қувондим. Бунинг учун мамлакатимиз ҳукуматидан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидан миннатдорман.

Кележагимиз саналмиш ёшларга яратилаётган имкониятлар, айниқса, Оролбўйи халқига, фарзандларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганидан мамнунимиз.

Оддий меҳнат одамиман. Неварам мен кўрмаган-билмаган нарсаларни кўриб-билиб келганидан қувондим.

Барча касаба уюшма фаолларини мамлакатимизнинг 20 йиллик тўйи билан Оролбўйи халқи номидан чин кўнгилдан қутлаб, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда дам олдираришдаги ишларида муваффақият, куч-қувват, соғлиқ-омонлик тилайман.

Гуландом ГЕНЖЕБАЕВА

\* \* \*

Самарқанддаги «Золотинка» оромгоҳида биринчи мавсумда Қорақалпоғистондан 100 нафар бола дам олди. Фарзандларимиз Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қаршидан келган тенгқурлари билан тез дўстлашдилар ва ҳаммамиз катта оила бўлиб яшадик. Оролбўйининг турли туманларидан келган болажонларга ушбу «жаннат бурчаги» жуда маъқул бўлди.

Ургут табиати, тоғ ҳавоси, тоза ва мусаффо сув, гўзал манзаралар, «Золотинка»нинг эртақлар олами хотирамизда бир умр сақланиб қолади. «Золотинка» она Ўзбекистонимизнинг марвариди десак, янглишмаймиз. Бу ерда болаларнинг мароқли дам олиши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган, дўстона муҳит, шириндан-ширин миллий таомлар — ҳамма-ҳаммаси ажойиб.

Болаларимиз бу ерда спорт билан шуғулланишди, бассейнда чўмилишди, концерт тадбирларида фаол иштирок этишди, Ватан мадҳини шеър кўшиқларда, куй ва рақсларда тараннум этишди. «Золотинка»даги ҳар бир кун байрамона кечди.

Насиба АБДУРАСУЛОВА,  
тарбиячи, Тахиятошдаги 6-мактаб ўқитувчиси.

Замира КАМОЛОВА,  
тарбиячи, Нукусдаги 28-мактаб ўқитувчиси

\* \* \*

Фарзандларимиз ёзги таътилни мароқли ўтказдилар. Оромгоҳ ва санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлади. Мустақилликнинг 20 йиллиги муносабати билан соғломлаштириш географияси кенгайганлиги бизни хурсанд қилди. 120 нафар тарбияланувчимиз Тошкент ва Самарқанддаги, 160 нафар тарбияланувчимиз Нукус ва Тахиятошдаги оромгоҳларда мароқли дам олдилар. Фарзандларимизни кучоқ очиб кутиб олган, уларнинг кўнгилли дам олиши учун барча шарт-шароитни муҳайё этган «Золотинка», «Нурафшон», «Стрелцова», «Ойдин Жўл» оромгоҳлари маъмуриятларига алоҳида миннатдорлик билдирамыз.

**С. М. СОН,**  
Қорақалпоғистон Республикасидаги  
«Меҳрибонлик ўйи» директори.  
Бир гуруҳ тарбиячилар ва тарбияланувчилар имзо чекишган

**Қашқадарё томонларда**

**ИНТЕРНЕТДАН  
ФЙДАЛАНГАН ФЕРМЕР**

**Мубораклик Абдужаббор Ҳайитов 19 йилдан бери «Азамат» фермер хўжалигини бошқаради. 128 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган бу тажрибали тадбиркор хўжалигини замонавий техника воситалари билан мустаҳкамламоқда.**

— Бултур галла ва пахтадан 36 млн. сўм соф фойда олди, — дейди тадбиркор. — Аввало, жамоамизда ишлайдиган 25 нафар ишчи-ходим рағбатлантирилиб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртида таълим олаётган уч нафар талабанинг контракт пули тўлаб берилди.

Абдужаббор Ҳайитов яна бир янгиликка қўл урди. Фермер хўжалиги ҳузурда макарон цехи ташкил этиб, унинг дастлабки маҳсулотини ўзи яшайдиган Сардоба қишлоғи аҳолисига текинга тарқатди.

— Бугунги ҳаётни компьютер ёки интернетсиз тасаввур этиш қийин, — дейди А.Ҳайитов. — Об-ҳаво ҳақидаги маълумотлар, агрономия соҳасидаги янгиликларни, дунё миқёсида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми, уларнинг нархи ва навларидан интернет орқали хабар топиб, ишларимни шунга қараб мослаб бораман.

**ГОФРОКАРТОНДАН  
ҚОҒОЗ ҚУТИЛАР**

**Шахрисабзлик тадбиркор Ақтам Аҳмедов 2009 йилда гофрокартондан қутилар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишга киришган эди. Вилоятда ўтказилган ҳудудий саноат ярмаркасида қатнашган юзга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида фирмада тайёрланган маҳсулотлар ҳаммининг эътиборини тортди.**

Хитойдан қиймати 31,5 минг долларга бир кеча-кундузда 4 минг квадрат метр гофрокартон қутилар тайёрлаш ҳамда бу қутиларга тасвир тушириш учун мўлжалланган замонавий технологик линия келтирилди.

Хорижий асбоб-ускуналар ёрдамида бултур 195 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 210 млн. сўм даромад олинди. Эндиликда бу қоғоз қутилар Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қуруқ мевалар экспорт қилишга ихтисослашган корхоналарга етказиб берилаяпти.

**«ОҚ ЛАЙЛАК» САВДО  
БЕЛГИСИ ОСТИДА**

**Китоб туманидаги Гулистон маҳалласида жойлашган «Лак бўёқ экспресс» хусусий фирмасида микроалцит асосида тайёрланадиган сув дисперсия акрил бўёғини ишлаб чиқаришга киришилди.**

«Микрокредитбанк»нинг лизинг ёрдамида бир ойда 150 тонна бўёқ тайёрлайдиган технологик линия фойдаланишга топширилди. Яқин кунларда эса 250 тонна бўёқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна ўрнатилиб, маҳсулот ҳажми ойига 400 тоннага етказилади.

Эндиликда «Белый аист», «Оқ лайлак» савдо белгиси остида тайёрланган юқори сифатли маҳсулот 5, 15 ва 25 кг.лик идишларда истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

**«САРДОР»НИНГ САРА  
МАҲСУЛОТЛАРИ**

**Косон туманидаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сардор» маъсуляти чекланган жамиятининг маҳсулотлари вилоятнинг савдо шохбчаларига тарқатилаяпти. Корхона раҳбари Шерали Мангитовнинг таъкидлашича, тадбиркорлик жамоаси ҳар йили 25-26 млн. сўм соф фойда олмақда.**

Цехлар замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бир кеча- кундузда 10 тонна сут қайта ишланиб, юқори сифатли пишлоқ, кефир, творог, қаймоқ, ёғли бринза, «Хавас» қадоқланган сариеғи каби 8-10 хил маҳсулот тайёрланапти.

Корхонанинг ёрдамчи хўжалигида 50 бош соғин сир парвариш қилинаётганлиги ва тумандаги қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан маҳсулот келтириляётганлиги ишнинг муваффақиятини таъминламоқда.

Россия технологияси асосида ишлаб чиқариляётган экологик тоза маҳсулотлар умумтаълим мактаблари ошоналари, мактабгача тарбия муассасалари ва аҳолига етказиб берилаяпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

— Етти йилдирки, шу салонга қатнайман, — дейди кўшним Нодира. — Сартарошим зўр, барака топсин, келинлигимда ҳам сочимни турмаклаган, пардозимни қилган. Рости, энг гўзал келинлардан бўлганман. Синглингизнинг бўйи етиб турибди, ушбу салонни, шу устани сизга тавсия қиламан.

**Шоҳсаналнинг  
салонлари кўпаяди**

— Раҳмат, бизни ҳам Худо ўша кунларга етказсин! — дейман Нодиранинг гапидан тўлқинланиб. Беихтиёр кўз олдимдан кўк шишадан ишланган мухташам бино ўтади. Ҳар куни эрталаб ишга бораётиб, унга беихтиёр назар соламан.

Кизиқишим ортиб, бир куни шу томон йўл олдим. Кираверишда қарши олган кўхликкина қиз мақсадимни англагач, «Шоҳсанам» гўзаллик салони раҳбари Шоҳсанам Ҳожихоновага кўнғироқ қилди.

— Бугунги кунда оилавий бизнеснинг ривожланаётгани ҳар жиҳатдан яхши, — дейди биз билан суҳбатда Шоҳсанамнинг отаси Муродхон ака. — Бунда инсоннинг очилмаган қирралари бўй кўрсатади. Меҳнати туфайли моддий манфаатдорлик кўради, солиқ тўлаб мамлакат иқтисодиётининг ривожига ҳисса қўшади.

— Гапингизга қараганда, барча ишнинг бошида ўзингиз турган кўринасиз?

— Йўқ, — дейди Муродхон ака жилмайиб, — мен йўл қурилиш соҳасида ишлайман. Фирма раҳбари куёвим саналса-да, ишни юритишда онаси, яъни рафикам бош-қош.

Шоҳсанам кулиб, отасининг гапини маъқуллаяди.

«Тараққиёт» фирмасининг фаолият бошлаганига етти йилдан ошди. Бу ер бир пайтлар қаровсиз ҳолда эди. Сервис ишга тушгач, соя-салқин, сўлим гўшага айлантирилди. Кенг сайҳонликда ёзги салқин ичимликлар қаҳвахонаси очилди.

Ишлар бароридан келгани сайин савоат юмушлари-да қанот ёзаяпти. Пойтахтнинг Миробод туманидаги Абдулла Авлоний маҳалла фуқаролар йиғини тадбирлари уларсиз ўтмайди. 12 қаватли 35-



уй атрофини кўкаламзорлаштиришда фаол иштирок этиш баробарида уй йўлаги жорий таъмирлаб берилди.

Гўзаллик салонининг мижозлари кўпайгани туфайли ишловчилар сони ҳам ортаётир. Айни чоғда улар 25 нафарга етди. Аёллар сартарош-

хонасида Умида Абдураззоқова, Зулайхо Жалилова, эрақлар бўлимида Илҳом Алиев, косметолог Элвира Мухторова ва бошқалар меҳнати, ижодий салоҳияти ҳамда муомала маданияти билан кўпчиликка манзур бўляётир.

— Бу ерда ишлаётганимга икки йилча бўлди. Мунтазам излаб келадиган мижозларим бор, — дейди Илҳом Алиев.

— Ходимларимиз малакаси ошиб борапти, уларнинг ҳар бири ўз мижозларига эга, — дейди Ш.Ҳожихонова. — Улар билан узоқ йиллар меҳнат қилиш ниятидаман, шунингдек, салонларимни кўпайтиришни, ўша жойларда ҳам шулар сингари идрокли, истеъдодли ёшларни ишга жалб қилишни истайман.

**Азиза АХМАДЕЕВА,  
журналист**

**Лавҳа**



«Отуш» фирмасини топиш қийин кечмади. Юнусобод мева-сабзавот бозори яқинидаги баланд қаватли уйлардан бирининг пастки қаватида жойлашган экан. Хўрандалар таом тановул қилишар, шифтга осилган телевизорда машҳур хонанда берилиб куйларди.

Нажот ака сал четдаги стол атрофида ўтирган кечса киши ва ёшгина қиз томон бошлади.

— Бугун журналистларни кутадиган куним экан, — деди кулимсираб Нажот ака. — Булар Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Дўстлик» каналдан келишган.

Ҳамкасблар ишларини битиргунча, тадбиркорнинг шинам офисида суҳбатлашиб олди.

— Меҳнат қилиб сира кам бўляётганимиз йўқ, —

дейди Нажот Ниёзов. — Бунинг учун мустақилликдан миннатдор бўлишим керак. Тадбиркорликка қўл урганимга ўн тўққиз йил бўлди. Даст-

бўйли, тўладан келган, бодомқовоқ, истарали аёл кириб келди.

— Бу хоним — Турғуной, бош ҳисобчимиз. У ёғини сўрасангиз, хонадонимизнинг, қалбимизнинг ҳам соҳибаси.

Турғуной Нажот аканинг гапларидан ийиб, рўпарадаги диванга ўрнашганча, гу-

**Оилавий**

**Репортаж**

рунгимизга кўшилди.

— Асли педагогман, — деди у. — Ўн беш йил боғчада ишладим. Бу ёқда ишлар кўпайгач, бутун оиламиз билан турмуш ўртоғимизнинг ёнига кирдик. Ҳисобкитоб менинг зиммамда. Шароит тақозосига кўра, қўшимча тарзда ўқиб, мутахассисликни эгалладим. Ўтган йилларда «Ипотека-банк»дан 5 марта кредит олди. Охириги олган 40 млн. сўм кредит эвазига бино-мизни обдон таъмирлатиб, жиҳозларни янгиладик. Ишчи-ходимларнинг малакаси оширилди. Тиш даволаш шохобчаси учун Хитойдан

лаб беш киши эдик, айни чоғда ўттиздан зиёд ишчи-ходим шу ерда меҳнат қилиб, рўзғор тебратаётир.

— «Орзу» кафеси мўъжазгина экан, неча кишига мўлжалланган?

— 50 киши бемалол бир пайтда овқатланиши мумкин. Тўрт нафар официант хизматга шай. Сўнгги пайтларда тез-тез кичик тадбирлар — гап, туғилган кун ва бошқа маросимларни шу ерда ўтказишни истайдиганлар кўпайиб бораётир. Чунки кўпчилик лағмон, мампар, ошма манти, қатлама манти, патир манти, тухум сай, гўшт сай, сабзавот сай ва бошқаларни севиб истеъмол қилади.

Шу пайт эшикдан ўрта

# Халқ банки — ўзимизнинг банк

«Халқ банки»нинг Узун тумани филиали аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида 11 та шохобча ва мини банк фаолиятини йўлга қўйган. Уларда қўшимча хизмат турлари, халқаро пул ўтказмалари, коммунал хизмат тўловлари амалга оширилади. Хурсаной Тошева, Сирож Қурбонов, Муҳаббат Ёрова сингари тажрибали банк ходимлари хизматидан барча мамнун. Ҳар ойда электр энергия, ичимлик суви, газ тўловлари бўйича

12-13,5 млн. сўм маблағ йиғилапти.

Банк жамоаси аҳолининг бўш маблағини жалб этиш бўйича сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқда. 18 фоизли «Универсал», 22 фоизли даромад плюс ва бошқа омонат турлари жорий этилиб, бундан ҳар икки томон манфаат кўраётди.

Филиал ўрта ва кичик бизнес ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшапти. Жорий йилда чорвачиликка қўл урган 10 нафар фуқарога 14,7 млн. сўмлик имтиёзли кредит аж-

ратилиши ҳисобига шахсий хонадонларда мол бош сони кўпайди. Шунингдек, паррандачиликни ривожлантиришга бел боғлаган «Қурбонов Имомали» хусусий фирмасига 100 млн., «Элмурод Шарофиддин» хусусий фирмасига 35 млн. сўм кредит берилди. Натижада, тадбиркорлар Алишер Қурбонов ва Полвон Элмуродов 10 мингтадан парранда боқиб, одамларнинг парҳез гўшт ва тухумга бўлган эҳтиёжини қондиришмоқда. Энг асосийси, ҳар бир

хусусий фирмада 8-10 тадан янги иш ўрни очилди.

Бугина эмас. «Хонжиза» СФУ ҳудудидан тадбиркор Раҳматулла Ашуров асаларичилик билан шуғулланиш учун банкдан 15 млн. сўм, Б.Очилдиев номли СИУ ҳудудидан яшовчи Шавкат Очилдиев балиқ етиштириш мақсадида 12 млн. сўм кредит олди. «Жўраев ўғиллари» хусусий



фирмаси эса 22 млн. сўм кредит эвазига иссиқхона барпо этиб, унда эртаги сабзавот маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйди.

**Рустам ДАВЛАТ,**  
«Ishonch» мухбири



**Суягим далада қотди. Ўтган кунларнинг сир-синаотларидан бохабарман. Меҳнат қилаверардик, биримиз ҳеч икки бўлганмас. Истиқлол азалий орзуларимизни рўёбга чиқарди. Инсондаги манфаатдорлик ҳисси, яъни «меники, ўзимники» деган туйғу уни юксалтирди, кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди.**

## Нон цехи ишга тушади

2006 йилда фермер хўжалиги ташкил этиб, ишга киришганмиз. Дастлаб осон бўлгани йўқ, албатта. Бироқ биз ҳам бўш келмадик, ишлаб чарчамадик.

Узоқ йиллик меҳнатларим муносиб қадрланиб, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлдим. Юксак ишонч зиммамга янада жиддий масъулият юклади.

Айни пайтда 33,1 гектар пахта, 45,1 гектар ғалламиз бор. 1 гектарда эса сабзавот етиштирилмоқда.

Дастлаб бир неча киши билан иш бошлаган бўлсак, айни чоғда жамоамиз

аҳли 44 нафарга етди. «Намуна» мавзесидаги ҳудудий бошланғич қасаба уюшма ташкилотига аъзоимиз. Меҳнатқашларимиз ҳар жиҳатдан ҳимояланган. Яхши-ёмон кунда бир-биримизга камарбастамиз, байрамлар байрамдек нишонланмоқда. Эҳтиёжманд кишиларга меҳр-оқибат кўрсатяпмиз. Нафсиламбирини айтганда, турмушимиз фаровон, кунларимиз сурурли.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили дилимизда мудраб ётган ҳавасни уйғотиб юборди. Хўжалигимиз шийпонида чеварлик цехи ташкил этиб, ҳудуддаги бичиш-тикишга ўқувли 12 аёлнинг бошини бириктирдик. Уларга ўз ишининг устаси касб сирларини ўргатди. Натижа чакки эмас, буюртмалар кун сайин кўпаяётди.

Муваффақият янгидан-янги ташаббуслар сари етакларкан. Аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда нон цехи ташкил этишга киришиб, зарур ускуналар билан жиҳозляпмиз. Улуғ байрамимиз арафасида уни ишга тушириш ниятидамиз.

**Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА,**  
«Олтинқўл водий гулшани» фермер хўжалиги раҳбари,  
Ўзбекистон Қаҳрамони

янги асбоб-ускуналар сотиб олдик.

Дарвоқе, ўзаро келишувга кўра, талай хонадон бекалари уйда тайёрлаган турли пишиқлар, чўзилган лагмон каби егуликларни фирмага олиб келиб топшириб, дурустгина даромад қилишяпти. Фаррош, идиш-товоқларни ювиш ва шу синга-

## бизнес

ри юмушларни бажараётганларга кунбай ҳақ тўланапти.

Интернет, пайнет, компьютер, уяли алоқа телефонларини таъмирлаш устaxonаси, нусха кўчириш хоналарида иш қайнайди. Бу ерга Наҳот аканинг ўғиллари Ғошбек билан Нодиржон бош-қош. Тиш даволаш шохобчасида эса шифокор Ёркиной Ниёзова икки нафар ёрдамчиси билан фаолият юритмоқда. Қандолат цехида ҳам ишлар кўнгилдагидек.

— Мижозлар етарли, маҳалламиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга имкон қадар имтиёз яратишга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди Ёркиной. — Айрим беморларга жуда арзон нарх-

да ёки бепул хизмат қиламиз. Энг муҳими, мижозларнинг биздан кўнгли тўлса, бас.

Сухбат асноси саховат ишлари йўлга қўйилганидан ҳам хабар топдик.

— Ўзимизнинг «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини тавсиясига биноан ҳар байрамда кам таъминланган оила аъзолари, ногирон ва фаришлардан саккиз нафарини таклиф этиб

меҳмон қиламиз ва совға улашамиз, — деди Турғунбой.

— Бу ерда ишлаётганимга ўн йилдан ошди, — дейди ишчи Барно Валижонова. — Ўтган йиллар мобайнида рўзгорим бадастир бўлди, икки нафар қизимни оқ ювиб-оқ тараб ўстирдим, тўй қилиб орзу-ҳавас кўрдим.

— Дастлаб қасаба уюшма ташкилоти тузиш ҳақида гап бўлганида, бироз кулгим қистади. Ишловчилар ўз оила аъзоларим бўлса, раҳбар сифатида мен уларни ўзимдан ҳимоя қиламанми, деб ўйладим, — дейди Наҳот ака. — 2000 йилда бошланғич қасаба уюшма ташкилотини тузиб, жамоа шартномасини ҳам имзоладик.

Жамоа шартномасига асосан ишловчилар барча имкониятдан фойдаланаяпти. Жумладан, жамоа аҳли бепул тушлик билан таъминланиб, уларнинг вақтида дам олиши намунали ташкил этилган. Байрам ва туғилган кунлар алоҳида нишонланиб, моддий рағбатлантирилади.

— Маҳалламиз аҳлига ҳар жиҳатдан ёрдам бергимиз келади, — дейди тадбиркор. — Устозим Ёрмуҳаммад Абдусатторов «меҳнат қилиб даромад орттириш ҳамда уни эзгулик йўлида сарфлаш саодатдир», деб уқтиргандилар. «Наврўз» маҳалла гузаридан новвойхона ҳамда мева-сабзавот дўкони очишга киришганмиз. Ҳадемай, бу юмушлар битса, яна бир неча киши иш билан таъминланади.

Буни қарангки, Наҳот Ниёзов бадиий адабиётнинг ашаддий мухлиси бўлиб, қатор шеърини китоблар чоп эттирган, Ал-Наҳот Боқий тахаллуси билан дурустгина шеърлар ҳам битган экан:

*Нафсингни тийгин ва берилма зарга,  
Сотма инсонлиқни пулу гавҳарга.  
Мансаб курсида турсанг ҳам баянд,  
Ерда бўл, айланма соқов ва карга.*

**Ш. ИСКАНДАРОВА**

# Тадбиркорга кенг йўл

**Туманимизда жорий йилнинг шу кунига қадар 1788 та тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинди. Улардан 105 таси айланма маблағи йўқлиги, 102 таси эса бошқа сабабларга кўра фаолиятини тўхтатди. Шунга қарамай, «Аҳолини иш билан таъминлаш» дастури доирасида ярим йилликда белгиланган 1339 та ўрнига 2043 та янги иш ўрни барпо этилди.**

Саноатни ривожлантириш йўлида дадил қадам қўйилмоқда. Жумладан, «Муштарийбону файз» МЧЖ қолипчи нон ишлаб чиқариш, «Бунёджон Ибрагимов» корхонаси гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари ўрнатиб, уларга 193 млн. сўм миқдорида инвестиция жалб қилинди ва 9 та янги иш ўрни ташкил этилди. «Бўстон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Сафар Бўка Бўстон» кўп тармоқли корхонасида йилига 56 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, айни чоғда қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда.

Саноат салоҳиятини юксалтириш бўйича 21 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Бу йўналишда ҳам қатъий саъй-ҳаракат кўрсатилмоқда. Мисол учун, ўтган йили «Ҳофиз Абдурасул», «Зарафшон Дил Темур», «Бўка мафтункор» хусусий корхоналарида қолипчи нон, «Мусаева Муборак» хусусий корхонасида макарон маҳсулотлари, «Туркистон балиқ» фермер хўжалигида балиқ етиштириш, «Муштарийбону файз» МЧЖда нон ва кандитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Иш кўламини кенгайтиришда, тижорат банкларининг ва улар ажратаётган узоқ муддатли кредитларнинг ўрни юксак бўлаётди. «Агробанк» туман филиалидан 940 млн. сўм, «Савдогарбанк» туман филиалидан 527,1 млн. сўм, «Халқ банки» туман филиалидан 622,8 млн. сўм, «Микрокредитбанк» туман филиалидан эса 829 млн. сўм миқдорида маблағ олган кредиторлар ишларини ривожлантириш чораларини кўришмоқда.

Банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш ҳам бозор иқтисодиётининг муҳим шарт ҳисобланади. Айни пайтда нақд пул тушумига эга савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари сони 224 тани ташкил этмоқда. Жорий йилнинг ярим йиллигида банк кассаларига 27468,8 минг сўм миқдорида маблағ кириб қилинди. Шунинг 19912,3 минг сўми савдо тушуми ҳисобланса, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш 3744 минг сўмни ташкил этди, коммунал тўловлар бўйича 2680 минг сўм кириб бўлди.

Бир сўз билан айтганда, туман иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорларнинг муносиб улуши бор. Уларга яратилган шарт-шароит ва қатор имтиёзлар туфайли ишбилармонлик салоҳиятининг янгидан-янги қирралари бўй кўрсатмоқда.

**Муҳиддин ШАРИПОВ,**  
Бўка туман ҳокими ўринбосари

Кўшсаҳифани «Ishonch» мухбири  
Шарофат НОРҚУЛОВА тайёрлади



Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш субъектлари ҳамда истеъмолчилар ўртасида вужудга келадиган турли муаммоларни ҳал этиш нафақат муносабатлар уйғунлигини таъминлайди, шунингдек, тараққиётга ҳам хизмат қилади. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Фарғона шаҳар жамияти фаоллари бу борада бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда.

## Истеъмолчилар ҳуқуқи қонун ҳимоясида

Мисол учун, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Фарғона шаҳар ўқув-спорт техника клуби ҳайдовчилик курси тингловчиларининг мурожаати жамият мутахассислари томонидан ўрганилганда, тингловчилардан шартномадан ташқари қўшимча 6 378 865 сўм тўлов талаб қилинганлиги аниқланиб, клуб раҳбариятига амалдаги тартиблар, истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчи ўртасидаги муносабатлар ва шартнома шартларини бажарилиши ҳақида

тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, шаҳарнинг Тургенев кўчаси 9 уйда истиқомат қилувчи фуқаро А.Тешабоевнинг ичимлик суви учун «Сувоқава» ишлаб чиқариш ОАЖ томонидан ортиқча қарздорлик ҳисобланаётгани ҳақидаги аризаси ўрганилиб, истеъмолчининг даъвоси исботини топди. Ортиқча ҳисобланган 82969,00 сўм қарздорлик бекор қилинишига эришилди. Шу кўчанинг 11-а ва 130 -уйларда яшовчи фуқароларнинг «Қиргули иссиқлик манбаи»

МЧЖ томонидан уйлар иссиқлик энергияси билан етарли таъминламаётган бўлишига қарамай, қарздорлик ҳисобланаётганлик ҳақидаги аризасида кўрсатилган важлар «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига асосан асосли деб топилиб, 3.639.495 сўм қарздорлик бекор қилинди.

**Б. ЭРАЛИЕВ,**  
Фарғона шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси



Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлимига имтиёзли пенсия олиш учун ҳужжат топширдим. «Ҳарбий таълим ўқитувчиси бўлиб 18 йил ишлагансиз» деб ҳужжатларимни қайтаришди. Шу тўғрими?

**Р. САИДКУЛОВ,**  
Чирочки тумани

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 12-моддасига мувофиқ илгари умумий белгиланган ёши 5 йилга қисқартирилган ҳолда ўқитувчилар ва бошқа таълим ходимларининг махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда, имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи бор эди. Умумтаълим мактаби ўқитувчилари ҳам бундай имтиёзга эга эди.

Мазкур қонунга 2010 йил 22 декабрда киритилган ўзгартишларга асосан ногирон болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари, «Меҳрибонлик» уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колониялари ўқитувчилари — махсус иш стажи камида 25 йил бўлганда (3-сонли рўйхат, VII қисм) бундай имтиёзга эга бўладилар.

Хатингизга қараганда, сизга 7 ой ўтиб, жавоб беришган. Бу қонунга зид. Ушбу қонуннинг 45-моддасига кўра пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар улар тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан ўрганиб чиқилиши керак.

Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими тегишли қарор чиқарилганидан кейин беш кун ичида корхона, ташкилот ёки аризачига пенсия тайинлаш рад этилгани ҳақида рад этиш сабаблари ва шикоят бериш тартиби кўрсатилган хабарномани беради ёки жўнатади. Айни чоғда барча ҳужжатларни қайтаради.

Сиз ҳуқуқингиз поймол қилинган деб ҳисобласангиз, тегишли касоба уюшма, қонунлар ижросини назорат қилувчи ёхуд Молия вазирлигининг тегишли идораларига мурожаат қилишингиз мумкин.



Отаси судланганлиги учун фарзандини ФХДё соҳасига ишга қабул қилишмаяпти. Шу тўғрими?

**Д. САНАЕВА,**  
Навоий шаҳри

Адлия органлари ФХДё органларини ташкил қилади, қайта ташкил қилади ва тугатади, уларнинг ишини текширади, таҳлил қилади ва умумлаштиради. Адлия органлари ва муассасаларининг ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этади. Улар билан боғлиқ муаммолар вужудга келса, юқорида қайд этилган идорага мурожаат қилишингиз мумкин.

Ёшга доир пенсия олаётганим учун ишдан бўшадим. Фойдаланмаган меҳнат таътилларим учун ҳақ тўлашадими?

**Ҳ. САПАРОВ,**  
Амударё тумани

Меҳнат кодексининг 151-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўланади.

Кейинги вақтларда балиқ ва балиқ маҳсулотлари расталаримизда кўпайиб бормоқда. Хоҳлаган вақтимизда бозорларимизга ёки пештоқига «Тирик балиқ» деб ёзиб қўйилган дўконга кириб, харид қилишимиз мумкин. Бу Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида мамлакатимизда муайян ишлар амалга ошириляётганининг тасдиғи, албатта. Жумладан, аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида охириги йилларда жойларда балиқ етиштирувчи фермер хўжаликлари ташкил этиляпти.

## Аҳоли эҳтиёжи йўлида

Ўртачирчиқ туманида ҳам бу соҳани ривожлантириш ҳамда аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бир талай ишлар амалга оширилмоқда. 2011 йил 1 июн ҳолатига кўра, 5 та ихтисослашган йўналишдаги хўжаликларда балиқчилик йўлга қўйилиб, соҳани ривожлантиришга томон сезиларли қадам ташланди.

Ўртачирчиқ тумани «Истиклол» ҚФЙ Ўртабўз маҳалласида ташкил этилган сунъий сув ҳавзаси, майдони 14,3 га тенг бўлган кўлда «Абдуҳаким кўли» фермер хўжалиги балиқчиликни ривожлантириш билан шуғулланаётир. «Пахтаобод» ҚФЙ ҳудудидаги сунъий сув ҳавзаси майдони 9,4 га тенг келадиган «Ислол Глобал Бизнес» хусусий корхонаси ҳам улгуржи савдо билан машғул.

Ўртасарой қишлоқ фуқаролар йиғинидаги (сунъий сув ҳавзаси майдони 4,5 гектарлик) «Голден Фиш Групп» масъулияти чекланган жамият, «Истиклол» ҚФЙ Бурғалик маҳалласида (сунъий сув ҳавзаси майдони 24,89 гектарлик) «Азиз Диёр Балиқ» фермер хўжалиги, «Дўстлик» ҚФЙга қарашли (сунъий сув ҳавзаси майдони 8,14 га. тенг) «Шод Замон Балиқ» фермер хўжаликлари ҳам ушбу маҳсулотга бўлган талабни қондириш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

Йил охирига қадар соҳага ихтисослашган хўжаликлар сонини янада ошириш режалаштирилган.

**Икром ЎРОЛОВ,**  
Ўртачирчиқ тумани ДСИ бўлим бошлиғи

## Молия муассасаларида

# Мижозлар сони ортмоқда

Юртимизда фаолият кўрсатаётган молиявий муассасалар орасида «Ипотека-банк» АТИБ ўзига хос ўринга эга. Мазкур банкнинг пойтахтимиздаги Юнусобод туман филиалида бугунги кунда мижозлар сони уч мингтадан ошган.

— Турли банк хизматлари кўрсатиш йўналишида ҳам жиддий иш олиб бораёпмиз, — дейди филиал бошқарувчиси Қодиржон Абдуллаев. — Жумладан, ўтган ярим йилликда салкам беш миллиард сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳам етарли маблағлар ажратилмоқда. Шунингдек, банк мутахассислари томонидан тадбиркорлар учун маслаҳатлар, тавсиялар ва бизнес лойиҳаларни тайёрлаш-

да амалий ёрдам кўрсатиляпти. Бу эса банкка бўлган ишончининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Мижозлар учун қулайлик яратиш ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида жойларда 6 та минибанк, 28 та жамғарма ва коммунал кассалар ташкил қилинди. Натижада, жисмоний ва юридик шахсларнинг банкимиз хизматидан фойдаланишни сўраб мурожаат қилиши ортаёпти.

**Наргиза ЖЎРАБЕКОВА**



2-гуруҳ ногирониман. Бирор жойда ишласам пенсиям сақланадими?

**М. ПИРНАЗАРОВ,**  
Зарбдор тумани

Ҳа. «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра I ва II гуруҳ ногиронларига пенсиялар тўлиқ миқдорда (100 фоиз) тўланади.



Ходимлар штати қисқартирилгани сабабли раҳбаримиз мени ишдан бўшатишимни айтди. Иш беришчи меҳнат шартномасини бекор қилиш ишати ҳақида ходимни олдидан огоҳлантириши керак эмасми?

**Н. КАМОЛОВ,**  
Чирчиқ шаҳри

Албатта, МКнинг 102- моддасига асосан ходимлар сони қисқарганлиги ёки корхонанинг тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда камида икки ой олдин ходимни огоҳлантириш керак.

Ушбу огоҳлантириш муддатига ходимнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври, шунингдек, давлат ёки жамоат вазибаларини бажарган вақт ҳисобга олинмайди.

# Иш ҳақи ворисга ундириб берилди

Бўрибек Алматов бошқа ишга ўтгандан сўнг ҳам собиқ иш жойи — Сирдарё вилоят фермер хўжаликлари уюшмасига тез-тез келиб турарди. Бошлиқ олдига кириб нималар ҳақидадир тортишарди. Анча пайт шу жойда ишлади, меҳр қўйган жамоаси, соғинса керак-да, шунга келиб юрибди, дегувчилар ҳам кўп бўлди. Бироқ бу сарсонгарчилиқнинг асл сабаби бошқа эди.

Табиатан камтар Б.Алматов 2005-2009 йиллари уюшманинг мониторинг ва таҳлил бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган бўлса-да, қизиғи, ўтган тўрт йил мобайнида бирор марта ҳам маош олмаган. У ҳар сафар бошлиқдан маошини талаб қилганида молиявий аҳволнинг ёмонлиги сабабли ҳозир бунинг имкони йўқ экани, тез орада ташкилотда иш ҳақидан қарздорлик бартараф қилиниши ва бунинг учун чоралар кўрилатгани тўғрисидаги гаплардан таскин топгандек бўларди.



2009 йилдан бошлаб Б.Алматов «Ўзқишлоқхўжалиқмашҳолдинг» компанияси вилоят марказига ишга ўтиб кетди. Бироқ бу идора ҳам Алматовнинг 4 ойлик ҳақини вақтида тўламади. Ваҳоланки, Меҳнат кодексидан «Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт» дея қайд этилган. 161-моддага асосан меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа норматив ҳужжатда белгиланади ва

бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Кўришиб турибдики, ҳар иккала ташкилотда ҳам ушбу моддалар талаблари бузилган.

Б.Алматов ҳақини талаб қилиб ташкилот раҳбарларига кўп марта мурожаат қилди. Бироқ натижа чиқмади. Бу орада у оламдан ўтди.

Боқувчисидан ажраган оиланинг аҳволи янада оғирлашди. Марҳумнинг турмуш ўртоғи Райҳона Алматова ҳам иш ҳақи масаласида икки ташкилотга бир неча бор мурожаат қилди. Натижа чиқмагач, масалани суд орқали ҳал қилишга мажбур бўлди.

Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро

ҳар ярим

о й да


суди иш ҳақларини ундириш тўғрисидаги даъво аризасини кўриб чиқиб, марҳум Б.Алматовга фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят филиалида 2005-2009 йиллардаги иш ҳақи учун жами 2 миллион 282 минг 350 сўм, «Ўзқишлоқхўжалиқмашҳолдинг» компанияси вилоят маркази 2009 йилнинг тўрт ойи учун 465 минг 344 сўм миқдорига қарздорлигини аниқлади. Суд томонидан даъво аризаси тўлиқ қаноатланганди ва жабрланувчи томон фойдасига иш ҳақларини ундириб бериш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилинди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**  
«Ishonch»нинг  
жамоатчи муҳбири

## Тарихдан сабоқлар

Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрда ўзига хос солиқ тизими шаклланган бўлиб, унга кўра ҳар бир туман, вилоятда солиқлар учун жавобгар вазирлар фаолият кўрсатган. Улар амирнинг молия девонига бўйсуниб, махсус солиқ йиғувчиларнинг тўплаган йиғимларини давлат хазинасига тушишини назорат қилган.

Амир Темур солиқ сиёсатининг асосий қондаси «Темур тузуқлари»да акс этади. Жумладан, унда шундай дейилади: «Агар хароб бўлиб ётган ерларнинг эгаси бўлса-ю, лекин обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин» ёки «Кимки, бирон саҳрони обод қилса, ёки қориз қурса, ё бирон боғ кўтарса, ёки бирон-бир хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиғи билан берганини олсинлар, учинчи йили эса (олиқ-солиқ) қонун-қондасига мувофиқ хирож тегишли нарсани ундириб олишдан олдин уларга албатта зарур шарт-шароитлар яратиб берган.



«Темур

## музуқлари»да солиқ тизими

Хирож экиндан олинган ҳосилга, ернинг унумдорлигига ва бошқа сабабларга қараб олинган. Мазкур мисоллар солиқ тизимининг Амир Темур ва темурийлар давридаги ҳолатини намоён этади. Солиқ қонунчилигида, авваломбор, оддий халқ манфаати турганини англаш қийин эмас. «Негаки, — дейилади «Темур тузуқлари»да. — Раият хонавайрон қилинса, (давлат) хазина камбағаллашишига олиб келади...бу эса ўз ўрнида салтанатнинг кучсизланишига олиб боради».

Уша даврда катта ер эгалари, миришкорлар, деҳқонлар, боғ-бонларга яратиб берилган шароитнинг ўзиёқ Соҳибқирон даврида солиқ тизимида маълум имтиёзлар шакллانганлигидан далолатдир. Бу ҳақда шундай дейилади: «Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан раиятдан молу-жихот олинмасин. Ҳосил етилгач, солиқни уч бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўловчи юборилмасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўловчи юбормасинлар. Агар солиқ йиғувчи юборишга мажбур бўлинса, улар солиқни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак-арқон ишлатиб ишни уриш-сўқишгача олиб бормасинлар. Уларни банд этиб занжир билан кишанламасинлар».

Амир Темур девонига ушбу ишларни мувофиқлаштириб борувчи махсус вазирликлар фаолият олиб борган. Мулкчилик ва солиқ ишлари девони, ким-чиқимлар ва хазинадан сарф қилинаётган барча харажатлар ҳисобини олиб борувчи молия вазирлиги шулар жумласидан.

Солиқ девони турли сабабларга кўра эгасиз қолган мол-мулкларни назорат қилиш, савдогарлардан закот ва бож олиш, мамлакат чорвалари, ўтлоқ-яйловларни бошқариш, уларнинг барчасидан тушадиған даромадларни сақлаш, мулкчиликдаги меъросхўрлик тартибларини амалга ошириш каби вазифаларни бажарган. Тузуқларда молия вазирига тегишли диққатга сазовор жумлалар ҳам учрайди: «Молия вазирлари молия ишларида хиёнат қилиб ўзлаштириб олган бўлсалар, агар ўзлаштириб олган маблағи ўзига тегишли улуфа (яъни маош) миқдорига тенг бўлса мазкур маблағ унга совға инъом ўрнида берилсин. Агар ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баравар ортиқ бўлса, ортиғи оладиган маошидан ушлаб қолинсин. Агар маошидан уч баравар кўп маблағ олинган бўлса, ҳаммаси салтанат хазинасига тортиқ сифатида олинсин».

Амир Темур даврида асосий солиқлар ер солиғи (хирож, мол дейилган), жон солиғи (жузя), тамға, бегар мажбуриятлари ва баъзи бошқа фавқуллода солиқлар (аваризот) мавжуд бўлган. Бу даврда солиқларни ҳисоблаб чиқишнинг мунтазам қоидалари ҳам мавжуд бўлиб, солиқлар ернинг унумдорлиги ва тегишли равишда белгиланган баҳоларга мувофиқ ҳисобланган.

Қайд этиш зарурки, Амир Темур ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихида солиқ тизими соҳасида илғор йўналиш ва усулларни амалга оширди. Унинг солиқ сиёсати мамлакат иқтисодий стратегиясининг таркибий қисми сифатида марказлашган йирик салтанатни барпо қилиш ва мустақамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга, солиқ тизими ва давлат хазинасини мустақамлаш, адолатли солиқ сиёсатини юргизишда бир қанча сифат ўзгаришларга олиб келди.

**Ф.ТОЛИПОВ,**  
Тарих фанлари номзоди,  
К.САИДОВ,  
Солиқ академияси директори



Илгари учинчи гуруҳ ногирони сифатида пенсия олар эдим. Энди иккинчи гуруҳ ногирониман. Кейинги иш ҳақим ва 30 йиллик иш стажим ҳисобга олинмайдими?

**В. ҲАЗРАТҚУЛОВ,**

Касби тумани

лигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиясидан умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиясига ўтказилганда зарур стаж вақтдаги дастлаб белгиланган нағрдаги ёшга қараб аниқланади.

Қонун бўйича пенсионер пенсия миқдори таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинлашишига бўлган иш стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда;

ногиронлик гуруҳи ўзгарганда; энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда пенсиялар қайта ҳисобланади.

Пенсияни тайинловчи ёки тўловчи органининг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади.

Ногиронлик пенсияси, ногиронлик белгиланган кундан бошлаб уч ой ичида пенсия сўраб мурожаат этилган бўлса, ТМЭК ногиронлиқни белгиланган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия бутун ногиронлик даври учун тайинланади. 60 ёшдан ошган эркак ва 55 ёшдан ошган аёл ногиронларга ногиронлик пенсиялари умрбод тайинланади. Ана шу ногиронларни қайта тиббий кўриқдан ўтказиш фақат уларнинг аризасига биноан амалга оширилади.

Пенсияларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари тайинлайди.

Сиз кимларгадир мурожаат қилиб ижобий жавоб ололмаганлигингизни ёзгансиз. Тегишли идоранинг туман органига мурожаат қилиб, жавобидан қониқмаган бўлсангиз, жавоб нухасини илова қилиб юқори турувчи идорасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури тадбирларини амалга оширишни назарда тутувчи соҳалар бўйича ва ҳудудий дастурларнинг белгиланган параметрларга мувофиқ ишлаб чиқишни ва тасдиқлашини таъминлаш топширилган.

Давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга кўра ногиронларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, бошқа давлат органлари томонидан тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-маслаҳат комиссияларининг хулосалари асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Меҳнатда майибланганда ёки касб касал-



Яқинда Чироқчи туманида катта кураш бўлди. Жўра ҳожи полвон хотирасига бағишлаб ўтказилган турнирда республикамизнинг энг сара баҳодирлари Шерали Жўраевдан тортиб Абдулла Тангриевгача, самарқандлик «Ажал» полвондан тортиб қашқадарёлик «Довуд» полвонгача кураш гиламида бор маҳоратини кўз-кўз қилди.

## Полвонларнинг

Халқ, курашсевар мухлислар кунинг иссиғига қарамай қарийб саккиз-тўққиз соат Марказий стадиондан бир қадам нари жилмади.

Бизга шундай туюлдим, ёки ҳақиқатдан ҳам шундайми, ҳал қилувчи баҳсларнинг аксариятида полвонларнинг «Халол» йиқитишлари камайиб, ғалаба кичик устунлик эвазига эълон қилина борди.

Курашимизнинг дунё бўйлаб ривож топаётгани яхши, бироқ футболни гол безаганидек, ҳалол йиқитишларсиз кураш ҳам ўз файзини йўқотиб қўймайдими?

Хаёлимизни чулғаб олган ушбу хавотир билан кураш фахрийси, бир неча карра Ўзбекистон чемпиони, самбо бўйича халқро тоифадаги спорт устаси, кўплаб халқро турнирлар голиби, халқ орасида «Қайчи полвон» лақаби билан танилган Раҳим полвон Бўриев билан мусохаба уюштирдик.

Раҳим полвон 1970-80 йилларда тўйкураш-у расмий мусобақаларда жавлон урди. Алпомишкелбат баҳодир рақибини ичдан илдириб олиб, қайчи усули билан шундай қисиб йиқитардики, завқ-шавққа минган ихлосмандлари полвонни олқишларга кўмиб ташлашарди. Расмий мусобақаларга, айниқса, жиддий ҳозирлик кўрарди. 1983 йилда самбо ва дзюдо кураши бўйича Москвада фазогир Юрий Гагарин хотирасига бағишлаб ўтказилган халқро турнирда мутлоқ вазнда бош совринни қўлга киритди. 1992 йилда Туркияда ташкил этилган халқро мусобақада ҳам шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олди. 1995 йил Яқкабоғ туманида ташкил этилган «Ҳосил байрами»да Амир Темур бобомиз руҳини шод этиб, яна голибликни тантана қилди.

Раҳим полвон Бўриев 1985 йилда «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб топилган. Бу бежиз эмас, албатта. У 1992 йилда Шаҳрисабзда ташкил этилган Марказий Осиё очик чемпионати мақомини олган Амир Темур хотира турнирида 90 кг. вазн тоифасида ярим финалда грузиялик Зураб Метиашвили ва Раҳим полвон рўбарў келишди. Гуржи полвони мусобақа ва машғулотларда пишган, шу кун ҳам барча рақибларидан устун келаётганди. Бироқ Зурабнинг Раҳим полвонга кучи етмади. Бўриев рақибини сеvimли қайчи усулида 45 сония ичида ҳалол йиқитди. Ушанда финал учрашувида шаҳрисабзлик Абдуқодир Пирматовгина қаҳрамонимиздан устун келганди.

Бўриев кураш бўйича «Ўзбекистон физкультурачиси» (ҳозирги «Спорт») газетаси соврини учун ўтказилган республика мусобақасида уч марта голиб бўлган.

Раҳим полвон ёши эллиқдан ошган бўлса-да, ҳамон машғулотларни қанда қилмайди. Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан

фахрийлар ўртасида ўтказилган республика турнирида бир неча бор голиб бўлди. Айна пайтда Қарши Давлат университетидеда хўжалик ишлари бўйича проректор муовини бўлиб ишлаш билан бирга, кураш бўйича вилоят биринчиликларида ҳакамлик қилади.

— Раҳим ака, сизни «Раҳим полвон» қилган нарсани нима?

— Машҳур Хуррам полвон, укаси Бўри полвон авлодиданмиз. Отам Рўзибой бобо ҳам баҳодир киши эди. Акаларим Собир, Зокир, Раҳматилла, укам Исмаилла — ҳаммамиз курашиб катта бўлганмиз. Косон тумани Майдаёбу қишлоғида туғилган бўлсам-да, 1964 йилда оиламиз тақдир тақозосига кўра Чироқчи туманидаги Хардури қишлоғига кўчиб келди.

Бахтимни қарангки, шу қишлоқда Абдурахмон Қодиров деган ҳақиқий кураш фидойиси яшарди. Абдурахмон акадан кўп нарсани ўргандим. 1980-1985 йилларда Қарши муҳандислик институтининг институтида тахсил олган пайтда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Хўшмурод Файзиевдан ҳам дзюдо, самбо, кураш сирларини чуқур ўзлаштирдим. Уларнинг сабоғи туфайли профессионал спортчи бўлиб етишдим.

— Курашда ор талашиш кучли бўлади, дейишади.

— Саиднабиҳон Жалолов, Холиёр полвон Қодиров, Рўзикул Маҳмудов, Тилов Худойбердиев, Мавлон полвон Ахмонов билан бир жамоа эдик. Тўйларга, мусобақаларга бирга борардик. Бизни қўйилаётган соврин эмас, ор майдонга чорлардик.

— Кўплаб соврин ва медалларни қўлга киритгансиз. Улар ортида қанчалик меҳнат ва машаққатлар тургани маълум. Ғалабаларнинг қайси бири сиз учун жуда қадрли?

— 1983 йил Москвада самбо ва дзюдо курашлари бўйича Юрий Гагарин хотирасига бағишлаб ўтказилган халқро турнир ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бир неча рақибдан устун келиб, финалда халқро тоифадаги спорт устаси Виноградов билан беллашдим. У менсимайроқ усуллар қўллай бошлади. Мен бир ярим дақиқалар давомида қаддимни тик тутганча химояланиб турдим. Сўнгра бехосдан олдидан «қоқма» қилиб юбордим ва соф ғалабага эришдим. Чемпион бўлиш билан бир қаторда «Турнирнинг энг техник курашчиси» номинацияси голиблигини ҳам беришди. Муҳими, мусобақадан сўнг Юрий Гагариннинг акиси Валерий мени уйда меҳмон қилиб, бир неча кун Москвани айлантирди. Юранинг қабрини зиёрат қилдик, уй музейини бориб кўрдик.

Яна бир халқро мусобақада қора белбоғ соҳиб, донгдор курашчи

## Бўриси

Игор Босейн билан курашганим кечагидек ёдимда. Бир ярим дақиқада уч марта ташладим. У нуқул оёғимдан оламан, деб ҳаракат қиларди. Тўртинчи марта йиқитганимда, у ҳалол тушди. Ушанда Игор жаҳл билан ўзининг бир тутам сочини юлиб олганди.

— Сизнингча, ҳозирги пайтда ҳалол йиқитишлар камайиб кетмаяптими? Чироқчида ўтган хотира турнирида донгдор курашчиларимиз ҳам аксарият ҳолларда кичик устунлик билан ғалаба қозонишди.

— Авваламбор, юртимизда курашга, спортга берилаётган эътибор туфайли кучли полвонларимиз кўпаймоқда. Чироқчидаги курашда ҳам шу нарсани кузатишди. Диққат билан кузатиб турдим, мутлоқ вазн финалида Олимпия ўйинларининг кумуш медали совриндори Абдулла Тангриев жаҳон чемпиони Шерали Жўраевни тактика орқали ютди.

— Яқинда «Чиял» хўжалиги Аннарўз қишлоғида Диёр полвон Маҳмарасулов хотирасига бағиш-

лаб ўсмирлар ўртасида ўтган турнирда ўғил болалар орасида Фузур ва қизлар баҳсида Косон тумани жамоаси яққол устунликни намойиш этишди. Бу полвонлар юрти деб тилга олганимиз Қашқадарёнинг барча туманларида аҳвол тенг эмаслигини кўрсатадими?

— Бу табиий. Дарҳақиқат, Косон тумани Гувалак қишлоғидаги болалар спорт мажмуасида Пўлат Амонқулов юзлаб ўғил-қизларга кураш, дзюдо ва самбо сирларини чуқур ўргатяпти ва бу ердан ўнлаб республика, Осиё чемпионлари чиққан ва чиқмоқда. Фузурда ҳам Шерали Жўраев, Шўхрат Арслонов каби полвонларга илк сабоқларни берган устозлар бор...

— Ўғилларингиз ҳам яхши ният билан эгнига яқтак кийибди. Улар ҳақида ҳам гапириб берсангиз...

— Аввало, оливайи муҳит, қолаверса, янгангиз Аниса Зайдинованинг биз спортчиларга алоҳида ғамхўрлиги туфайли ўғилларим ҳам курашни танлашди. Катта ўғлим Сарвар Рўзибоев — спорт устаси. 2005 йил Тошкент вилоятида ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари голиби, республика чемпиони. Айна пайтда Чироқчи тумани Аннарўз қишлоғидаги 104-ўрта мактабда ёшларга кураш сирларини ўргатяпти. Зафар эса бел олиш кураши, дзюдо ва кураш бўйича мамлакат чемпиони, мазкур спорт турларидан терма жамоа машғулотларида иштирок этиб келяпти. Кураш бўйича 2010 йил Франция, жорий йилда Грецияда ўтган халқро турнирлар совриндори. У ўтган йили Андижонда ташкил этилган «Универсиада — 2010» спорт мусобақасида ҳам совриндор бўлди. Яқинда эса Деҳқонобод туманида ўтган йирик тўйкурашда сурхондарёлик Низом полвонни йиқитиб, бош мукофот соҳиб бўлди. Зафар тиришқоқ, Устозлари Шариф Нортोजиев, Омон Тоймуродов, Нодир Эшонқуловдан маҳорат сабоқларини олиб келмоқда. Нияти кураш бўйича Баҳром Авазов сингари жаҳон чемпиони бўлиш, дзюдодан эса Абдулла Тангриевга ҳавас қилади...

Раҳим полвон Бўриев қанчалик иши кўп бўлмасин, ҳозиргача Қашқадарё вилоятидаги кураш мусобақаларига вақт топади. Дам ҳакамлик қилиб, баҳсларнинг одилона ўтишини таъминласа, дам Сарвар Рўзибоев, Зафар Бўриев, Меҳриддин Шоймардон сингари ўнлаб ёш курашчиларимизга ўз маслаҳатларини беради. Биз полвонликка ҳавас қилган ёшларимизга «Раҳим полвондек мард бўлинг, бўри бўлинг. Голиб бўлинг, давралар тўри бўлинг», дея тилак билдириб қоламиз.

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири



— Алло, «04»ми?  
— Навбатчи оператор Шоймардон Нуриддинов эшитади. Хўш, хизмат?

— Ошхонамиздаги газ плитасидан ўт чиқди. Ёнгини зўрға ўчириб, хавфни бартараф этдик. Аҳволни кўриб, ёрдам кўрсатсангиз, дегандим.

Авария диспетчерлик хизмати навбатчи оператори миҳоздан тегишли маълумотларни сўраб олиб, кундалик қайд дафтарига ёзиб қўйди ва зудлик билан бу ҳақда бошлиқни хабардор қилди.

— «Тез ёрдам» гуруҳини чақиртиринг, Шоймардон ака, — деди туман газ корхонаси раҳбари Норменгли Тўлаганов. — Шошилиш зарур ёрдам кўрсатсин. Натижаси ҳақида менга билдириг.

Бир пасда корхона бош муҳандиси Бахтиёр Қурбонов бошчилигидаги гуруҳ воқеа жойига бориб, газ плитасидаги носозликлар ёнгинга сабаб бўлганлигини аниқлади. Гуруҳ аъзолари камчиликни бартараф этиб, хонадон бекасига газ ўчоғидан эҳтиёт бўлиб фойдаланиш, газни ёқиб, очиқ ҳолатда узоқ муддат ташлаб қўймаслик тушунтирилди.

Бу «Жанубгазтаъминот» унитар корхонасига қарашли «Деҳқонобод туман газ» филиали авария диспетчерлик хизмати оператори Шоймардон Нуриддинов иш фаолиятдан бир шингил, холос. Ўттиз икки йилдирки, Ш.Нуриддинов туман газлаштириш идорасида турли лавозимларда ишлаб келмоқда. Хўшмуомалалиги, топширилган ишга нисбатан масъулият сезиши, фидойилиги билан жамоа орасида эътибор топди. Ўрта бўйли, миқти гавдали, сочларига йиллар қиров ташлаган бу инсон 60 ёшга тўлган бўлса-да, ҳамон йигитлардек серҳаркат, бардам-бақувват.

У Бухоро шаҳридаги нефт-газ саноати техникумини тугатиб, туман газлаштириш корхонасига ишга кирди. Дастлаб ишчи-профилактика чилангари бўлиб ишлаган Шоймардон газ-асбобларига хизмат кўрсатиш устаси, хўжалик ишлари мудирини, газ жиҳозларини таъмирлаш чилангари, диспетчерлик хизмати оператори каби вазифаларда ишлади. Ўнлаб шогирдлар тайёрлади. Бугун ўзи билан ёнма-ён ишлаётган Баҳодир Жўраев, Камол Тўраев, Бозор Исमतов, Сафар Ражабов сингари соҳа ходимлари устозидан миннатдор. Ўғли Муродилла ҳам ота касбини танлаган. Ҳозирда корхонада слесар бўлиб ишлаб келаётир.

— Инсон меҳнати қадрланганда ҳаётдан мамнун бўлади, — дейди корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Абдуҷаббор Ҳайитов. — Шоймардон ака жамоамизда кўп йиллар ишлаб ҳалол меҳнати, тиниб-тинчимаслиги туфайли хурмат топди. У кишининг ҳаёт йўли ёшларимиз учун намуна.

— Янги иш бошлаган ёшлар Шоймардон акадан жуда кўп нарсани ўрганишди, — дейди корхона бош муҳандиси Бахтиёр Қурбонов. — У кишининг «тажриба сандиқ»ларида кашф этилмаган қирралар кўп.

Ўрни келганда айтиш жоиз, Ш.Нуриддинов Охунбобоев номли маҳалланинг фаолларидан. У худудни газлаштириш, ободонлаштириш ва кўкчалмзорлаштиришда баҳоли қудрат ҳисса қўшган. Ибратли оила бошлиғи. Турмуш ўртоғи Ҳосиятбону билан 3 нафар ўғил-қизни тарбиялаб вояга етказди. Энг муҳими, у жамоадошлари эътиборида, кишилар назарида. Эл суйган инсон, деб шунга айтсалар керак-да!

Рустам НАЗАРОВ,  
Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси




## Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабаси Марказий кенгаши

Ўзбекистон темир йўлларида меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни 7 август –

# ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ

билан самимий қутлайди!



Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш каби улғувор вазифаларни бажаришда темирйўлчилар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётганидан бахтиёрдирлар.

Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами яқинлашаётган шундай ажойиб кунларда барча ҳамюртларимизга сиҳат-саломатлик, хонадонларига файзу барака, мамлакатимиз равнақи йўлидаги меҳнатларида улкан зафарлар тилаймиз!



Темирйўлчилар ва ҳамюртларимизнинг соғлиқларини тиклаш йўлида тармоқда «Назарбек», «Сиҳатгоҳ» санаторий-профилакторийлари, «Чимён» дам олиш ва даволаниш маскани ва «Хўжакент» дам олиш оромгоҳи кўп йиллардан буён самарали фаолият юритиб келмоқда.

Мамлакатимизда Тошкентдан Самарқандга «Регистон», Бухорога «Шарқ», Қаршига «Насаф» сингари тезювар поездлар қатнаб, йўловчиларнинг қисқа ва уларга қулай бўлган вақтларда манзилларига етказмоқда. Яқинда йўлга қўйиладиган «Афрасиёв» тезювари эса тезликда самолётлар билан баҳслашади десак, муболага бўлмайди. Ушбу поезд Тошкентдан қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқандгача бўлган масофани икки соатда босиб ўтади.



Муҳаммад АЛИ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
Давлат мукофоти лауреати



ган. Қиз ҳамиша тақимини ўпадиган бўлиқ сочларини икки ўрим қилиб ташлаб юришни ёқтирар, ўтирганда олдига йиғиштириб олиб ўтирарди. Шоҳрух Мирзонинг диққатини тортган нарса ҳам айни Гавҳаршод бегимнинг ўша илондай тўлганган сеҳрли икки ўрим сочи бўлди...

Соҳибқирон беш йиллик юришга отланаётган йили наврўзга ўн кун қолганда малика Туман оқа Сароймулкхонимдан Боғи Беҳиштда сумалак сайли қилишни ўтинди. Сайиллар кўпинча Боғи Чинорда ўтар, бошқа маликалар бирон жойга таклиф қилишга катта хонимдан тортинардилар. Маҳди улё бунга рози бўлди.

Туман оқа наврўз деса, дарҳол сумалакни кўз олдига келтиради. У барча мулозимлари-ю канизақларига боғни саранжом-саришталашни буюрди, боғбонларга алоҳида топшириқлар берди. Бир неча канизақни юбориб, турли боғлардаги маликаларни, салтанатнинг ашроф-акобирлари ва оқсуякларнинг хотинлари-ю қизларини, аслзода ойимларни наврўзга айтдириб қўйди, машҳур Хуснорояллани ҳам унутмади. Холдона бибинини чорлатиб, сумалақдан сўз очди. Бугдойни уч кун ивтидилар, сўнг ундиришга қўйдилар. Иккиси ҳар куни қасрнинг ёни-

танатнинг нуфузли ва эътиборли аёллари тиз чўкишган. Маҳди улё Сароймулкхоним дастасига нақшинкор ўқлоғ боғлиқ узун капкир билан қозон тагини олмасин учун ташланган майда силлиқ тошлару ёнғоқ ва қаттиқ бодомларни шалдиратиб кавлаб-кавлаб қўяди. Катта малика ёнида малика Чўлпон Мулк оқа, канизақлар Дурсултон оқа, Нигор оқа, Амир Мусонинг завжаси Орзумулк оқа, Холдона биби, Жаҳоншоҳ ибн Жокунинг ҳарамии Оппогойим, Амир Сайфиддин некўз, Шайх Нуриддин, Амир Шоҳмалик, Муҳаммад Жалд, Мубашшир баҳодирларнинг хотинлари ҳамроҳ эдилар.

— Ҳа. Наврўзнинг хосиятлари кўп. Айтиб тугатиб бўлмас. — Сароймулкхоним суҳбат тизгинини ўзида маҳкам тутиб турарди. — Еру осмон баробар байрам қиладургон, қувонадургон айём-да бу! Оллоҳга шукр, улуғ кунга етиб келдик... Нақл айлайдиларки, саҳобалардан бири Наврўз айёмида расулulloҳ алайҳиссаломга холва солинган кумуш жом тўхфа этибдур. Шунда пайғамбаримиз савол берибдурлар: «Бу нимадур?» «Наврўз инъоми». Расулulloҳ яна сўрабдурлар: «Наврўз нима дегани?». «Ажамликларнинг улуғ ҳайити.» Шундан сўнг Оллоҳнинг расули ҳолвани тановул айлабдилар

# Оқ отдаги ҳукмдор

## Тарихий ҳикоя

Йигирма икки ёшли Шоҳрух Мирзо билан эндигина йигирмага қадам қўйган келинчақ Гавҳаршодбегимлар бугун эрталабдан шаҳар кезишга чиқишди. Улар бўлаётган қурилишларни кузатишлари, янги жойларда нималар бунёд этиш борасида бир қарорга келишлари лозим эди. Барча мулозимлар кузатувида кўчани тўлдириб боришаётган оқ отдаги ҳукмдор билан бинафшаранг тахтиравондаги маликага қарашади. Аввал Мусалло, Масаррах мавзеларига ўтишди. Гозургоҳ қадамжоси зиёратидан кейин Аркка йўналдилар ва кўп ўтмай файзиёб кўринишхонага кириб келдилар. Ҳиротнинг шимолидаги Малик ва Қипчоқ дарвозалари ўртасида жойлашган данғиллама Арк биноси шаҳарга кўрку салобат бағишларди.

Жазирама ёз фасли нафас олишга қўймай борлиқни энтиктиради. Катта деразадан бутун шаҳар манзараси намоён, қалъа деворида ҳар жой-ҳар жойда барпо этилган Ҳориқ, Али Асад, Хокистар, Шомониён деб аталадиган муҳташам баланд миноралар гўёки салтанатнинг мустаҳкам қурчлигини кўз-кўзлаб кўкка бўй чўзгандай туюлади. Жануб тарафда катта, йигирма саккиз равоққа қўндирилган бежамали Малан кўприги яққол кўзга ташланади. Иккиси ҳам ўша ёққа қараб қолдилар...

Хуросон ҳукмдори этиб тайинланган Шоҳрух Мирзо бундан икки йил аввал Ҳиротга келиб, илк қадамни ана шу нураб қолган, юз йиллар олдин малик Фахриддин Карт қурдирган Аркни янгидан бунёд этишдан бошлаган эди. Ўшанда Шоҳрух Мирзо Арк ишлари билан кейинроқ шуғулланишни дилига тукқанди, бироқ малика Гавҳаршод бегим қўймай туриб олди:

— Ҳазратим! Подшоҳнинг салобати энг аввало унинг саройи, Арки билан ўлчангай. Келгонлар шунга қарайдир, — деди шаҳло кўзларини майин табасум ила безаб малика. — Подшо саройи саройдек бўлмаги лозим. Аввал ҳашаматли саройни оёққа турғизингиз, ки кўрғон кўзлар қувонсин!

Аслида Шоҳрух Мирзонинг ўзи ҳам Хуросон давлатининг қалби бўлажак, аммо кимлардандир қолган, ис босган

кўхна Аркка ирим қилиб қадам қўймоқчи эмасди. Арк янгидан қурилсин, ҳар қандай губорлардан ҳоли, ораста бўлсин, маликанинг айтганича бор...

Гавҳаршод бегим олдига тушган бир ўрим сочини оҳиста орқасига ташлаб, давом этди:

— Валинеъмат соҳибқирон Самарқанди фирдавсмонандда Боғи Шимолдаги базмда ҳамма амирзодалар, маликалар кўз олдига ўзларига атаб Ҳиротда бир боғ барпо этишни буюрдилар, ёдингиз-даму? Номини ҳам «Боғи Шаҳр», деб қўйиб бердилар...

— Фақат бизга эрмас, демакки сизга ҳам атадилар-да, маликам! — жилмайди Шоҳрух Мирзо.

— Оллоҳга шукр, қуллуқ! — таъзим қилди малика. — Ҳатто муҳандислару номдор боғбонларни юбортирдилар, харажатини салтанат хазинасидан ажратилишини алоҳида таъкидлаб қўйдилар...

— Шундоғ, шундоғ!... — тасдиқлади ҳукмдор бош тебратиб.

Шоҳрух Мирзо баланд бўйли, кўзлари катта-катта, қуюқ қошли, мулоҳазалари ёшига қараганда теран йигит эди. Яқтак-лозим устидан кийган оқ матодан тикилган ҳирқанамо авра тўн, бошидаги оқ саллада ловуллаб ёнган йирик руммоний ёқут хушбичим йигитнинг чиройини яна ҳам очиб юборганди.

Подшо келини деб эъозланадиган ақл-идрокли, туйғунгина Гавҳаршод бегим хусну милоҳатда тенгсиз, кўрку чиройда беназир эди. Орқасини эгаллаган тим қора сочлари нақ офатнинг ўзи, шаҳло кўзларида ажабтовур шижоат, ғайрат учқунлари чакнайди. Ҳамма нарса — но-зик адонинг қадди-қомати, тип-тиниқ чехраси, узун киприклари, бежирим бурни, хиёл қалин дудоқлари, оқ-оппоқ томоғи, соҳир сийналари, икки чеккасидаги чиройли қайрилган гажақлари — барибари унга ярашган, ортиқча бирон нимарса учрамайди... Фалак нақшоши қош эмас, балки ўз қаламини эҳтиёткорона икки бор юритиб, икки ҳилолни ҳадя эт-

даги қоронғи хонага кириб, шиддат билан игна-игна бўлиб унаётган бугдойларга қараб завкланишар, реза-реза сув сеппиб чиқишарди.

Бир куни Сароймулкхоним ҳам келиб кўрди ва кетар экан, Туман оқага тайинлади:

— Самарқанддаги ҳамма амирзодалар, набираларни ҳам сумалак сайлига чорласунлар, бошқа қариндош-уруғлар билан кўришиб танишгайлар, дийдорлашгайлар...

— Бош устига, хонимойим жаноби олиялари!

Маҳди улё ҳамма йиғинларда ҳам шундай йўл тутадилар, теурийзодаларни тез-тез бир жойга йиғиб турадилар. Соғинган барча ўғлонларни кўриб, дийдорларига тўйиб олмоқдан умидвор бўладилар-да, Туман оқа буни яхши англайди.

Наврўз куни Боғи Беҳишт аста-секин гавжумлаша бошлади. Об-ҳаво ҳам ёқимли, осмон тиник, офтоб чарақлаб чиқиб келарди. Бир пасда боғ саҳни байрамона янги либослар кийиб олишган амирзодалар билан тўлди. Шоҳрух Мирзо, соҳибқироннинг набиралари Пирмуҳаммад Жаҳонгир Мирзо, Султон Хусайн Мирзо, Халил Султон, Рустам Мирзо, Искандар Мирзо, Абу Бакр Мирзо, Умар Мирзолар кўғирчоқдай кийинган суюмли тўрт яшар Аҳмад Мирзо ибн Умаршайхни ўртага олишганча, саф-саф бўлишиб у ёқдан-бу ёққа юришарди.

Боғи Чинорда ўсиб вояга етган Шоҳрух Мирзо Боғи Беҳиштни ҳам жуда ёқтирарди. Боғнинг ложувард ва тилла билан безатилган нақшин дарвозаси бағоят салобатли. Серсоя ва мевали дарахтлари кўп. Ёғоч панжаралар билан ўралган хиёбонлар жуда сўлим, боғнинг ўртасида муҳташам кўшк намоён, унда ипак кўрпачалар тўшалган тахт бор. Соҳибқирон ташриф буюрганларида ўша тахтда ўлтирадилар.

Кўшк рўпарасида катта қозон осилган ўчоқ атрофида юмшоқ тўшақларда сал-

ва: «Биз учун ҳар кун Наврўз бўлса кошкийди!» дебдилар.

«Кошкийди! Кошкийди!» — деган сўзлар ёғилди.

— Бахорнинг биринчи куни, — сўзга қўшилди Орзумулк оқа, — бор жонзот, ер уйғонаркан, айиқлар қиш уйқусини тарк этаркан, ер остида ухлаган илонлар ҳам бир ағдарилиб оларкан... Ҳа, ҳа...

— Лола сайлига чиқиш қандай яхши-я! — деб қўйди Оппогойим.

— Кониғилда лолалар кўп, лолақизгалдоқлар беҳисоб!.. Оҳ, қанийди, даста-даста териб олсанг!.. — Соҳибқироннинг канизаги Дурсултон оқанинг юраги орзиққани билинди.

Атрофни сумалакнинг монанди йўқ ҳиди тутиб кетди. Ёш қизалоқлар ўчоққа яқин келишиб: «Сумалак беринг! Сумалак беринг!» дея Сароймулкхонимга илтижо қила бошлади. «Олақол, ма!..», дейди кулиб катта малика ва лагандан ёғоч қошиқ олади-да, дамба-дам қозоннинг ҳошиясида сақичдай қотиб қолган сумалакни сидириб-сидириб қизалоқларга узатади... Уларни кўриб Аҳмад Мирзо билан Халил Султонлар ҳам қозон томонга талпинадилар.

— Майда тошлар солинганини тушундим... Нима сабабдан энди ёнғоқ билан бодомларни қозонга ташладилар, хонимойим жаноби олиялари? — сўради соҳибқироннинг қизи Султон Бахт бегим.

— Ҳаммаларингизга биттадан инъом этамен... — қулди маҳди улё. — Чақиб, магизини қошларингизга қўясизлар, ундай бўёқ атторнинг қутиси тугул жаннат-даям йўқ! Олтун варақ бўёғи ҳам бунга етолмайди!

— Менга-а-а!

— Менга ҳам! — дея чопиб келишди бир гуруҳ ёш маликалар, зодагонларнинг қизлари. Уларнинг ичида Умаршайх Мирзонинг қизи Насаб Султон бегим, Жаҳоншоҳ ибн Жокунинг қизи Соғинч бика, Шайх Нуриддиннинг қизи Зубайдабону, Давлатшоҳ бахши уйғурнинг қизи Билқис бегим, Амир Шоҳмаликнинг ожизаси

Робия бегим, Гиёсиддин Тархоннинг кизи Гавҳаршод бегимлар бўлиб, бари ўн-ўн уч ёш орасидаги ерга урсанг, осмонга сапчийдиган шўх қизлар эди.

— Сумалак пишганда келинчаклар! — деб жавоб берди маҳди улё барини тинчлантириб.

Энди чап томонда катта дарахтга осилган гулдор арғимчоқли ҳалинчакка навбат етди.

— Ким учаман деса, иримини қилиб «Ҳалинчак» кўшигини айтиши лозим! — деди Робия бегим. Бундай иримни ким ўйлаб чиқарган, қаердан келган — бу ҳақда ҳеч ким сўрамасди.

— Вой! Мен учмоқчийдим... — Зубайдабону лабларини бурганча, интилган жойида тўхтаб қолди. — Кўшигини билмайман-ку...

— Билмасанг, жим ўтир! Ким биладир? — сўради яна Робия бегим.

Билқис бегим кўнглида: «Иримни ҳам бор эканми? Робия ўлгур, бундай иримни қайдан топган экан... Ичидан тўқиб чиқарган шекилли. Шундоқ шумлиги бор. Нима, кўшиқ билмаган одам учолмайдирму?.. Шуюм гап бўлди-ю...» деган сўзлар кечди.

Талабгорлар топилавермади. Робия бегим ҳаммага бир-бир қараб қикди:

— Ичимизда бир киз биладир... — майин жилмайди у Соғинч бикага маъноли қараб ниманидир эслатгандек. — Яхши кўшиқ айтадир... Ўзим эшитганман...

— Бўлди, бўлди! Мен ҳам эсладим: Гавҳаршод бегим-да! Овози бирам тинки!.. — тасдиқлади Соғинч бика. — Менга жуда ёқди!

Ҳамма: «Айтиб бер! Айтиб бер!» дея ўн уч яшар Гавҳаршодга бегим тикилди.

Гавҳаршод бегим азалдан ҳалинчак учини яхши кўрарди. Ҳали боққа киргандай, дарҳол кўзи гулдор ҳалинчакка тушди-ю ширин ҳўрсиниб кўйди. Робия бегим сўзларини эшитиб, ичида завқи жўшиб турганди, одамларни интизор қилмай аста ҳалинчакка яқинлашди. Чаққонгина ўтирганидан, унинг хийла бу иш ҳавосини олгани яққол кўринди. Қизлар чувиллашиб ҳимо бердилар, ҳалинчак у ёқдан бу ёққа уча бошлади. Киз хориқулдда майин титроқ овозда кўшиқ айтар, барчанинг диққатини тортар, атрофга ёқимли оҳанглари тараларди. Қозон атрофида ўлтирган аслзода ойимлар ҳам: «Ким экан кўшиқ айтаётган?» дегандай шу томонга ўрилдилар. Кимдир шунчаки қизиқиб қарайди, кимдир эса ўзича келин танлайди.

**Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,  
Ҳалинчакда келинчак,  
Келинчак, ҳо, келинчак!  
Суйганини соғинган  
Келинчак бир куйинчак,  
Куйинчак, ҳо, куйинчак...**

Гавҳаршод бегим ҳалинчак учар экан, ўзини вазнсиз, гарддек енгил сезар, тим қора бўлиқ икки ўрим сочи худди уни қувиб етолмаган илонлардек тўлғонар, ортага қайтганда эса, муроди ҳосил бўлганига шукрлар қилгандек қизнинг қуймичи-ю оёқларига бош кўяр, ўралиб-ўралиб жон нисор айларди. Гоҳда эса, сочларнинг учи ерга тегай-тегай дер, лекин шу палла ошуфта шамол бунга йўл қўймай, уларни оғушига олиб қочар, ерни такрор доғда қолдирарди. Ҳалинчак эса парвозда давом этарди...

— Бу ожиза кимдур, оға? — беихтиёр сўради ажойиб манзарадан қаттиқ мутаассир бўлган Шохрух Мирзо ёнидаги ўзидан бир ёш катта Пирмуҳаммад Жаҳонгирдан. Ногаҳонда «Ҳалинчакда келинчак...» сўзларининг нозик-нафис таллаффузи, кўшиқ сеҳри кўнглининг аллақаеригадири тегиб кетганини сезди. — Сочлари узун қиз экан...

— Гиёсиддин Тархоннинг ожизаси Гавҳаршод бегим дейдилар, амирзодам! — бепарво жавоб берди Пирмуҳаммад Жаҳонгир.

Ўша-ўша, амирзода сочлари узун қизни ўйлайдиган одат чиқарди...

Икки ёш дилнинг етти кунга қўзилган тўйи Боғи Чинорни чунон файзиёб этди. Бир йилдан кейин Улуғбек Мирзо дунёга келди, Сароймулкхоним қўлида тарбияланмоқда, унинг укаси Бойсунғур Мирзо эса ҳозир икки ёшда, унга Дурсултон

оқа қарайди. Шохрух Мирзо ёлғиз қолган паллалар Гавҳаршод бегимга: «Сеҳрли сочларингиз билан нозик қалбимни боғлаб олгансиз!» дейишни яхши кўради, ҳазиллашиб: «Ҳалинчакдаги келинчак» деб атайди. Малика эса бошини эгганча хожасига нозли табассум ҳада қилади...

Шохрух Мирзонинг эсида: малика рост айтди, саккизюзинчи ҳижрий йил баҳорида соҳибқирон чиндан Самарқанднинг шимолида саҳни мармар тош, томлари олтин билан лажварддан нақшланган Боғи Шимол қасри қурилиб битганидан кейин тўй берди. Олийқадр шахзодалар ва нуфузли беклар келишиб янги оламоро боғни музайян айладилар. Ҳамма хурсанд, кишилар ноз-неъматлардан оросталанмад тўкин-чочин дастурхонлар атрофида дилкаш гурунларга машгул, фароғатли дамлар ҳукмрон. Кўнглиларни яйратиб хушбахт наволар жаранглайди.

Лекин ҳаммадан кўра кўпроқ Шохрух Мирзонинг кайфияти аъло. Тўй шуқуҳига малика Гавҳаршод бегим эслатган боғдан ҳам олдин айтилган бебаҳо мужда қувончи кўшилиб кетди. Кутилмаганда Амир Темури ўйлаб юрган ниятларидан бирини адо этди. Подшоҳнинг қутлуғ раъйи тўртинчи иқлимда жойлашган Хурросон вилояти ҳукмдорлигига Шохрух Мирзо номзодини муносиб кўрганини эълон қилди!

Амир Темури фарзандларига бир-бир назар ташлар экан, кенжа ўғли Шохрух Мирзо манглайи давлат нишонаси билан безалганини туйар эди. Ўғли отасига тортиган, бўй-басти ҳам, кенг пешоналиги ҳам. Ақли тўлишиб бораётган пайти. Айниқса, ёш туриб, ўзини кадҳудолардай босиқ тутиши соҳибқиронга ёқарди. У фарзандларга юрт бериш, бирон музофотга ҳоқим этиб тайинлашда шошилмасди. Чунки ёш амирзодалар баъзан теварак атрофга қараб-қарамай қадам босишар, «етти ўлчаб бир кесиш»нинг уҳдасидан чиқишолмас, шошқалоқликка йўл қўйишарди. Тан олмоқ керак, бу нарса Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгирда ҳам, Шероз ҳоқими Пирмуҳаммад ибн Умаршайхда ҳам, ҳатто эндигина Хулоқ гуҳон тахти топширилган Мироншоҳ Мирзода ҳам бор. Султон Ҳусайн Мирзо билан Халил Султонлар эса ҳали ёш...

— Хурросон, Сеистон, Мозандарон ва Рай, то Ферузқўҳгача бўлган музофотларни небаҳт амирзода Шохрух Мирзога баҳшида қилдук! — деди соҳибқирон. — Амир Сулаймоншоҳ, Амир Мизроб Жоку, Шодровон найман... жаъми йигирмага яқин нуфузли беклар хона кўчлари бирлан амирзодага ҳамроҳ бўлсунлар. Ҳазинадан етти минг отлик аскарга улфа тайинлансун. Фармон келтурулсун!

Барча муборакбодга шошилди:

— Муносиб! Муносиб!!

— Давлатлари зиёда бўлсин!

— Омадларини берсун! — қабилида табрик сўзлари янгради теваракдан. Шохрух Мирзо дарҳол ўрнидан туриб миннатдорлик маъносига валинеъмат бузрукворига таъзим қилди ва бориб тиз чўкканча тавоф этди.

Бу қувончли сўзлар боғнинг бошқа бурчагида маликалар ичида ўтирган, Бойсунғур Мирзодан бўшанганидан сўнг навнихолдай бўлиб қолган, подшонинг ўн саккиз ёшли келини Гавҳаршод бегим қулоқларига ҳам етди. Барча унинг бошига қўтлов каломларини нисор айлади...

Шохрух Мирзо азалдан нимагадир Хиротни кўнглига яқин олар, меҳрини бошқача сезар, алоҳида бир таважжуҳ билан қарарди. Худди келажакда амирзоданинг тақдири Хирот билан маҳкам боғланишини аввалдан сезгандай, ҳали шаҳарга келмасдан туриб, тез-тез патак соқоли оппоқ оқарган Мавлоно Убайддан унинг тарихи ҳақида сўраб-суриштиришдан чарчамас, қиссахонни китобларни варақлашга мажбур қилар, кўп нарсаларни билишга интиларди.

Хирот ҳам дунёнинг кўҳна шаҳарларидан экан. Ривоятга кўра, шаҳарни Пешдодийлар сулоласи вакиллари билан қурибди, кейин Гиштасп, Бахман сингари подшоҳлар давом этдирибди. «Ажойиб ал-булдон» китобида ёзилишича, Ис-

кандар Зулқарнайн уни вайронага айлантирибди, сўнг янгидан тиклабди, қалъа деворининг узунлиги тўққиз минг кадамга бораркан. Жаҳонгир, одатда, шамол тинимсиз эсадиган ерларда шаҳарлар бунёд этишни хуш кўраркан. Унинг Мисрда Ўрта денгиз соҳилида бунёд этган, машҳур Фарос машъали ўрнатилган Искандария, Сайхун бўйида қурган Олис Искандария шаҳарлари бунинг мисоли. Хиротда чиндан ҳам шимол ёқдан мунтазам шабада эсиб туради. Айниқса, жазирама ёз ойларида бундай шабада жоннинг роҳатига айланади.

Қизгин мусоҳабалардан бирида ҳамиша қисқ кўзлари қулиб турадиган Мавлоно Убайднинг чертиб-чертиб айтган шундай сўзлари Шохрух Мирзонинг ҳеч эсидан чиқмайди:

— Солномалардан маълумдурки, амирзодам, гарчи Хиротни не-не пуркуч подшоҳлар, соҳиби қудратлар, жаҳонгирлар қуришган, обод этишган эса-да, бироқ ҳали ҳеч кимга уни пойтахт даражасига кўтариш насиб этмаган. Хирот ҳали ҳануз пойтахт рутбасини ололғонича йўқ... Валлоҳи аълам биссаваб.

Ўшанда соҳибқироннинг, доим ниятни катта қилмак керак, деган сўзларини эсларкан, Шохрух Мирзо бир нарсани кўнглига жо этиб қўйди: «Оллоҳ буюрса, шундоқ кунларга етказса, падари бузрукворимдан тилаб олиб, Хиротни ўзим катта давлатининг қалъасига, пойтахтига айлантираман!..»

Мана энди ўша орзуси ушалгандай бўлиб турибди. Дарҳол қайси шаҳарни пойтахт қилиш ҳақида ҳаёлларга берилди. Хурросонда кўҳна шаҳарлар кўп, Шибиргон, Андохой, Машҳад, Рай, Нишопур... Йўқ, унинг севган шаҳри бор! Айнан Хиротни ўз давлатининг пойтахти қилиб белгилайди!

— Ростдан ҳам, муҳташам Малан кўприги Хиротнинг кўркидур, маликам! — деди Шохрух Мирзо ўйланиб. — Уни қадим замонларда Султон Санжари Мозий қурдиргон экан.

— Ҳа, бунёд этилгон нарса қоладур, эзгуликка айланадур, инсоннинг номи ни мангуликка чулғайдур, ҳазратим... Мана, Султон Санжари Мозийдан сўз очиб турибдилар-ку, шу кўприкни қургон деб... Бундай иншоот бу музофотларда йўқ. — Малика ҳукмдорга ўғирилди. — Ўзлари ҳам маҳобатли Аркни бунёд этиб қўйдилар. Бу нафақат Хурросон вилояти ҳукмдори, балки валинеъмат соҳибқироннинг, улуғ салтанатнинг ҳам нуфузини юксакларга кўтаргай!

— Ўшанда ишни Арқдан бошлангиз, дея қаттиқ туриб олғонингиз тўғри бўлгон экан, маликам. Чиндан ҳам, Аркни обод қилгач, Хиротни бевддан оёқ қуришга киришдик. Шаҳар девор билан ўралди, шаҳарни шаҳар қиладургон нарса мана шу ҳимоя девори-да! Устидан тўрт отлик бемалол юра оладур...

— Кўчалардаги маржондай тизилган савдо расталарини кўриб қувониб кетамен! Маҳаллаларда гузарларнинг обод этдириб, бозорларни кенгайтириб элулуснинг дуосига қолдилар.. Пойтахт гавжум бўлиб кетди!

— Бино қуриш, тиклаш, маъмурани обод этиш Оллоҳга ҳам, бандасига ҳам хуш ёқади, ҳақ гап, маликам. Бари савобдур... Ахир Оллоҳнинг муборак сифатларидан бири «яратган» деган каломдир. Шунинг ўзи бандаларига қутлуғ сабоқ...

Хурросон ҳукмдори (келгусида, у ўзига, хон, султон, ҳукмдор эмас, қадим турк подшоҳларидан улги олиб «Ҳоқони саид», яъни бахтиёр ҳоқон унвонини танлашни ўйлаб қўйди), айниқса, шаҳар дарвозаларини сира назардан қочирмади. Унинг фикрича, шаҳар кўркини аввало маҳобатли дарвозалар белгилайди. Келган одам мана шу бешта дарвозага қараб бутун қалъага, вилоятга баҳо беради. Шаҳарнинг ғарбида Ироқ дарвозаси, кунчиқишда эса Хуш дарвоза жойлашган, Сеистон ва Ҳиндистонга қараганининг номи Ферузободдир. Иккитаси шимол ёқда: уларни Малик ва Қипчоқ деб атайдилар. Сухбат айнан ана шу дарвозалар ўртасида қарор топган Арқда рўй бермоқда

эди.

— Улуғни жудаям кўргим келди, Улуғим ажойиб-да, денг. Ҳаёлларга бериладиган бола. Бойсунғур Мирзони ҳам соғиндим. Кетма-кет тушимга кириб қолишябди... — маънос тортди бирдан Гавҳаршод бегим. — Иброҳим Султон ҳам малика Туман оқа ихтиёрида...

— Ахир икки ойгина бўлди, бола-ларни кўриб, бағримизга босиб-босиб келдик-ку, маликам! Амир соҳибқиронни ҳинд сафаридан қутиб олдик, Қаршидан Кешга, ундан Самарқандга кузатиб қўйдик, Улуғбек Мирзо, Бойсунғур Мирзо, Иброҳим Султонлар бирлан обдан дийдорлашдик...

— Ҳа, унга икки ой бўлди-да...

— Энди сабр айласунлар, сабр таги сариқ олтин.

Сизга бир сирни айтсам: валинеъмат соҳибқирон Хитойга сафар тадорикини кўраётдилар. Тез кунларда кўшинлар билан етиб боришимиз ҳақида олий фармонни кутмақдамен. Самарқандга борғойбиз, фарзандларни ҳам кўрғойбиз, маликам.

Гавҳаршод бегимнинг кўнгли таскин топгандай бўлди.

— Ҳазратим! Муҳтарамма аммаимиз, жойлари жаннатда бўлсунлар, бонуйи кубро КутлуғТуркон оқа жаноби олиялари пок насаб зот эканлар, — деди Гавҳаршод бегим. — Жуда кўп хонақоҳлар, кўприклар қурдирибдилар. Қарангиз, Мурғоб дарёсидан хос ақчаларига «Кутлуғ Хотун» аригини қаздириб, чўлга сув чиқарибдилар-а... Хонимойим, Туман оқа ойимдай муҳтарам маликалар ҳам мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар бунёд этмақадурлар...

— Салтанатда бу таомил тусига киргон. — Шохрух Мирзо жилмайди. — Ўзлари ҳам ортада қолмайдурлар, деган умиддамен...

— Қуллук, ҳазратим, қуллук! Ушундоқ дейишларини билардим.

Чўрингизнинг ҳам бир орзуси бор... — мақсадга кўчди. Гавҳаршод бегим. — Орзу эрмас, улуғ маликаларга ҳавасдан туғилгон ният холос. Мусаллода камина ҳам бир мадраса, масжид бунёд этдирсам... Жойини ҳали кўриб келдим. Муҳандисга буюрғондим, тархини чизсунлар деб. Иншооллоҳ, мадраса пештоқининг эни йигирма саккиз, баландлиги етмиш газга борадир, саҳни ўн саккиз жериб бўладир. Иморотнинг ўзи ўн икки жериб ерни оладир...

— Ўх-ҳў! Маҳобатли-ку!

— Хонимойим Самарқандда қурдираётгон масжиддан катта эрмас...

Бироқ Хирот учун муносибдур. — қўл қовуштирди малика. — Гозургоҳ, Масарраҳ мавзеларида ҳам қадамжо, зиёратгоҳлар бунёд этилмоғи жоиздур. Ихтиёридин қалъаси таъмирланса ҳў бўлур...

— Иншооллоҳ, маликам. Амир соҳибқирон бу ишларимизни эшитсалар мамнун бўлишларига шубҳа йўқ. Қуриш, тиклаш, бунёд қилиш деса, ул зотнинг оёқлари ҳамиша узангида, шай турадурлар. Бирон ерда булоқми ёки катта сув чиқиб турғонини кўрсалар, яйраб кетадурлар. Кейин ўша ерда ё қалъа, ёки боғ, қаср пайдо бўлур. Эсингиздаму, сўйлаб бердим-ку, ҳинд сафаридан қайтаётиб, ҳатто Ҳиндикуш тоғларида бир неча работ, қалъа тиклаттирибдилар! Ҳа, юртни обод этмак, дилларни яшнатмак — маърифат соҳибларининг иши. Ундоғ зотлар бунни те-ран фаҳмлайдилар. Амир соҳибқирон эрса ўшал соҳибларнинг соҳибларидурлар!

Буюк падари бузруквори билан фахрланиш туйғусидан Хурросоннинг ёш волийси чехраси фавқуллода ёришиб кетди. Малика Гавҳаршод бегим узун икки ўрим сочини олди-га олганча, меҳр тўла кўзларини суюкли куёвидан ўзмай жилмайиб қараб турарди...

# Бўлай десангиз бардам, «Чимён»да ҳордиқ олинг



Ўзбекистон темир йўллари қарашли «Чимён» дам олиш ва даволаниш масканимиз 1974

йилдан буён темирйўлчиларга беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, Мустақиллик йилларида сиҳаттоғ ҳар томонлама кенгайиб, замонавий тус олди. Бу ерга келган мижозлар яратилган қулай шарт-шароит учун ташаккур айтиб кетишмоқда.

## Ўзгаришлар палласида

Сиҳаттоғимизнинг эл орасида тилга тушишига йил сайин замонавий тиббий жиҳозлар ҳисобига даволаш имкониятларининг кенгайиб бораётгани, шунингдек, хизмат биноларининг давр талабидан келиб замонавий таъмирланаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Бу ишлар ҳамisha компания раҳбарияти ва тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши эътиборида.

Дастлаб 60 ўринга эга бўлган пансионат эндиликда бир вақтнинг ўзида 200 мижозга хизмат кўрсата олади. Йилдан-йилга мижозларимиз сони ортмоқда. Сиҳаттоғ ташкил этилганидан буён 47 мингдан зиёд юрдошимиз дам олдирилди.

Шу кунларда жамоамизда касб байрами – Темирйўлчилар кунининг 20 йиллик байрамини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, 30 ўринга мўлжалланган кўп қаватли хонадонлардан иборат яшаш масканидаги қайта таъмирлаш ишлари авжида.

Сиҳаттоғимизда даволанишнинг асосий негизини олтингургуртли маъданли сув билан қабул қилинадиган муолажалар ташкил этади. Бу сувнинг бир литрида 330 мг.гача олтингургуртнинг водородли эритмаси мавжуд. У инсон организмидеги кўплаб касалликларга шифо бўлади. Шифобахш сув ичилганда ошқозон-ичак тизими, жигар, буй-

рак, ўт пуфаги, сийдик йўллари тозалайди. Тери ва қисман нафас йўллари орқали кириб қон айланишини яхшилайдиган ва бунинг ҳисобига инсон танасида учрайдиган сурункали касалликлар йўқолади, тўпланган тузлар, холестерин эрийди. Танадаги ҳар хил хилтларнинг чиқиб кетишига ёрдам беради. Шунингдек, бизда юрак ва қон томир, асаб, ҳаракат ва таянч аъзолари, урологик, гинекологик ҳамда тери касалликлар даволанади. Яна барча физиотерапевтик муолажалар, парафин ва озокерит ёрдамида даволаш усуллари, уқалаш хоналари, фитобар, тиш даволаш, игна билан даволаш хоналари мавжуд. Парҳез таомлари ҳам беморларнинг тезроқ дарддан халос бўлишига ёрдам беради. Маъданли сув таъсирида танадаги яра-лар тез битади.

Масканде дам олувчилар учун жисмоний тарбия ва тринажёр зали мавжуд бўлиб, 12 турдаги спорт мосламалари бор. Тажрибали мураббий Иброҳимжон Собиров раҳбарлигида соғломлаштириш машқлари бажарилади.

Сиҳаттоғда яхши аънана йўлга қўйилган. Бирор дам олувчининг туғилган кунини бўлса, унга маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси томонидан совға топширилиб, ўтказилган туғилган кун тадбири дискка ёзиб берилади.

Физиотерапевт Л.Губина, невропатолог С.Бобожонова, диетолог Б.Эргашев ҳамда Л.Бобожонова Д. Аҳмаджонова, С.Қодирова, С.Хасанова, Ф.Холматова сингари шифокору ҳамширалар, уқаловчи Ш.Юсупов дам олувчиларнинг соғлигини тиклаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилишаётир.

**Амриддин АХМЕДОВ,**  
«Чимён» дам олиш ва даволаниш маскани бош шифокори

## Сиҳаттоғ тарихидан

Чимёнда учта сиҳаттоғ мавжуд. Улар гўзал Фарғона водийсидаги Помир-Олой тоғларининг Катрон тоғи этакларида, денгиз сатҳидан 700 метр баландликдаги қир-адирлар бағрида жойлашган. Худудни кесиб ўтган Олтиариқ сойи иқлимни муътадиллаштириб туради.

Сиҳаттоғларнинг пайдо бўлиш тарихи ҳам қизиқ. Қир-адирлардан ўз-ўзидан қора, ёнувчан суюқлик сизиб чиқарди. Маҳаллий аҳоли ундан қора чироқда фойдаланган. Кейинчалик нефт экани аниқлангач, чор ҳукумати уни немис Альфред Бенхар Нобелга сотиб юборади. Шундан кейин нефт казиб чиқариш йўлга қўйилиб, Чимён қишлоғида нефтчилар шаҳарчаси пайдо бўлади.

Нефт захираси казиб олинган қудуқлар ўрнида олтингургуртли шифобахш сувлар ҳосил бўлганлигини аввал ҳеч ким билмаган. Айтишларича, бир куни кўтир от шундай сув тўла чуқурга тушиб кетади. Отни кўтаришгач, қарашса, ундаги кўтирдан асар ҳам йўқ...

Кўкун тиббиёт билим юртини битириб келган Мадаминжон Аҳмедов шу ердаги шифохонанинг сув билан даволаш бўлимида иш бошлади. У 1965 йилгача маъданли сувни ҳар томонлама ўрганди. Натижада, 1974 йилнинг 17 сентябрида Ўзбекистон темир йўллари қарашли 60 ўринли «Чимён» пансионати очилди. Бу пайтда Самарқанд тиббиёт олийгоҳини битириб келган Мадаминжон Аҳмедов унга бош шифокор этиб тайинланди. Пансионатнинг очилишида ўша вақтда темир йўл бошқармаси бошлиғи Азиз Қодировнинг ҳиссаси катта бўлиб, унинг ташаббуси билан пансионатга асос солинган эди.

## Тадбирларда фаолмиз



1987 йилдан буён шу ерда ишлайман. 1996 йилдан касаба уюшма кўмитаси раисиман. Фаолиятимни ишдан ажралмаган ҳолда олиб бораман.

Сиҳаттоғимизда 175 нафар ишчи-хизматчи бор. Етарли шароит мавжудлиги боис, ходимларимиз ҳам шу ерда дам олиб даволанишади.

Фарзандларимиз ҳар йили ёзда темирйўлчилар оромгоҳларида ҳордиқ чиқаради. Жорий йилги мавсумда 60 нафар бола «Кўкун» МТУнинг «Темирйўлчи» оромгоҳида дам олдирилмоқда. Касабақўм сифатида ишдаги интизомни сақлашга, ариза ва мурожаатларни вақтида кўриб чиқишига катта эътибор бераман.

Менга ишимда фаолларимиздан Рўзимат

Абдуллаев, Усмон Ғиёсов, бош ҳамшира Дилбар Аҳмаджонова, Лайло Бобожонова, Майрамхон Ҳасанова кўп ёрдам беришади.

Биз қишлоқ шароитида яшаймиз. Шунинг учун ишчиларимизга моддий ёрдам учун бу йил касаба уюшмамиз томонидан 2 млн. 100 минг сўм ёрдам пули ажратилган. Бу борада ёрдам сўраганларга маъмурият томонидан ҳам катта ёрдам бериб борилади.

Яқинда истиқлолимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Ватан — азиз» шиори остида вилоятимиздаги таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашув ўтказдик. Шунингдек, «Ватан — азиз, инсон — муқаддас» мавзусида ўтказилган тадбир ҳам мустақилликка бағишланди. Учрашувга таниқли санъаткорларни ҳам таклиф этдик.

Хуллас, касаба уюшма фаолларимиз дам олувчилар ўртасида уюштирилаётган барча кўнгилочар тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

**Саида ҚОДИРОВА,**  
сиҳаттоғ касаба уюшма кўмитаси раиси

## «Хушмуомала бўлиш шифокорларнинг бурчидир»

### дейди сиҳаттоғ шифокори Лайло Бобожонова

Лайло Бобожонова кўп йиллардан буён ушбу даволаниш масканида физиотерапевт. У 1991 йилда Андижон тиббиёт институтининг педиатрия факултетини битирган. 1998 йилда Тошкентда қайта ихтисослаш бўйича врачлар малакасини ошириш курсида ўқиб келди.

— Қиз болага докторлик яхши, дерди дадам. Шунинг учун шу соҳани танладим. Бора-бора катталар терапиясига қизиқиб қолдим, — дейди Л.Бобожонова. — Бунга сабаб 7-синфдалигимда аям «астма» — нафас қисиш касалига чалиниб, икки ой этиб қолган. Ёнида ўтириб қараганман. Олтита фарзанднинг энг каттаси эдим, роса қийналдик, ки-


чик укам 1,5 ёшда эди... Ушанда катта бўлсам шифокор бўламан, дея қатъий аҳд қилгандим. Мана, ниятимга ҳам етдим. Сиҳаттоғда ишларнинг шуниси яхшики, бу ерда ҳамisha малака ошириб борасиз. 1990 йилларга нисбатан ҳозир сиҳаттоғдаги муҳит ўзгарган: аввал бу ерга кўпроқ дам олувчилар келарди. Энди эса кўпроқ турли касалликларга чалинганлар даволанади. Шунинг учун кўп касалликларни даволаш асносида ўша соҳаларни ҳам ўрганасиз.

Лайло Бобожонованинг турмуш ўртоғи Солижон ҳам сиҳаттоғда шифокор — невро-

патолог.

Даволаниб кетаётган беморларнинг унга қараб «Раҳмат, доктор опа!» деганида бор чарчоғи бир зумда эсидан чиқади. Шифокорлик касбининг шарафи ҳам шунда-да!

— Шифокор ширинсўз, беморга жуда эътибор билан муносабатда бўлиши керак,



# ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ —

## ҳаёт учун хавфли

— Вирусли гепатитлар тиббиёт фани ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари олдида турган муҳим муаммолардан, — дейди Республика Вирусология илмий-текшириш институти директори муовини, тиббиёт фанлари доктори Хайрулла Мустафоев. — Бу касалликнинг айрим жиҳатлари ҳали етарлича ўрганилмаган, уларни даволаш усуллари ва профилактикаси ҳамон такомиллашув босқичида. Илгари бутун ер юзидаги тиббиётчилар вирусли гепатитнинг биргина турини билишарди.



лим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорига мувофиқ, таълим масканларида хавфсиз овқатланишни ташкил этиш, бу ердаги ошхона ва буфетлар учун харид қилинадиган маҳсулотларнинг сифати, хавфсизлиги, ет-

махсус гуруҳлар томонидан лаборатория назоратидан ўтказилади. Амалдаги санитария меъёр ва қоидалари бузилганда, дезинфекция ишлари кучайтирилади.

Ўқув ва тарбия масканларида рўйхатга олинган озиқ-овқат ва ичимлик сувларидан захарланиш ҳолатлари тиббиёт бирлашмалари ҳамда халқ таълими бўлимлари билан биргаликда таҳлил қилиниб, қатъий чоралар кўрилмақда. Ўтган йилнинг ўзида шаҳар миқёсида 4 мингга яқин бола эмланди. Бу борада шаҳар ва туман ДСЭНМ мутахассислари томонидан вирусли гепатитларнинг олдини олиш мақсадида худуддаги маҳалла фуқаролари, таълим муассасалари ўқувчилари, корхона ва ташкилотлар ходимлари ўртасида санитария-оқартув ишларини мунтазам олиб бормоқда. Шунинг учун ичак инфекциялари гуруҳига кирувчи ушбу хасталик ўтган йилларга нисбатан 5,65 фоизга камайди.

Шифокорларнинг таъкидлашича, бундай инфекцияли касалликлар билан оғриган бемор организмда вирус яшаб қолиши ва у кейинги наслга ҳам ўтиб, авлодлар соғлиғига хавф туғдириши мумкин. Шунингдек, бу касалликни юктириб, сўнг даволаниб қиққан одам донорлик қила олмайди. Боиси, тузалиб кетган кишидан олинган қон таркибидаги вирус бошқа организмда қайта «тирилиб», яна бошқатдан «ҳаёт» бошлайди. Шундай экан, ҳар бир киши ўзини ўзи назорат қилиши, шахсий гигиена қоидаларига риоя этиши энг биринчи талаблардан бўлиб қолаверади.

Наргиза АСАДОВА

Айни пайтда унинг сарик гепатит, эпидемик гепатит, инфекция гепатит, Боткин касаллиги каби турлари аниқланган. Бугунги кунда юқори даражадаги сезгир аппаратлар, лаборатория усуллари ёрдамида касалликнинг гепатит А ва В дан ҳам фарқли жиҳатлари борлиги исботланди. Яъни касалликнинг эпидемиологияси ва клиникаси бўйича биридан фарқ қиладиган икки хили, фекал-орал йўли (ифлосланган қўл) билан ва қон (зарарланган овқатлар) орқали юқадиган тури аниқланган. Ҳозирги кунда унинг саккиз хили мавжуд.

Айни вақтда институтимизда вирусли гепатитни юртимиз худудида камайтириш, ёш болаларга юқилишининг олдини олиш бўйича докторлик ва номзодлик ишлари ёқланмоқда. Уларда асосан гепатит А ва С нинг таъсири, хусусиятлари ўрганилиб, муайян изланишлар бажарилмоқда. Шунингдек, мутахассисларимиз вилоятлардан келган диагностик маълумотларни Референс лабораториясида поломираз усули билан таҳлил этиб, текшириб, сўнг шифокорлар назоратига жўнатишди. Жойларда бирон фавқулдда ҳолат бўлса, уни бартараф этиш чоралари кўрилади. Шу билан бирга, четдан кириб қолган доридармонларнинг сифати текширилиб, амалиётга жорий қилинади.

Фарзандларимизнинг турли инфекцияли касалликларга чалинмаслиги нафақат оила муҳитига, балки таълим-тарбия муассасаларида овқатланиш жараёнларининг тоза ва озодалиги, санитария қоидаларига риоя этилаётганлигига ҳам бевосита боғлиқ. Бу борада ҳукуватимиз томонидан қатор қарор ва норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги «Таъ-

казиб берилиши, сақланиши ва таомларнинг тайёрланиши борасидаги санитария-гигиена қоидалари ва меъёрларига риоя этиш борасида кўплаб вазифалар белгиланди. Эндиликда улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

— Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида касалликнинг олдини олишга қаратилган махсус чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, — дейди Тошкент шаҳар санитария ва эпидемиология назорати маркази эпидемиология бўлими мудир Фарида Холмухамедова. — Унга кўра, туман санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан умумий овқатланиш, коммунал хизмат кўрсатиш, мактабгача таълим муассасалари, мактаб ва бошқа таълим объектлари доимий назорат қилинади. Ҳар ҳафта жойлардаги ичимлик сувининг санитар-кимёвий ва бактериологик кўрсаткичи кузатилади. Шаҳар худудидан оқиб ўтувчи очик сув ҳавзалари, оқава сувлар, уни тозалаш қурилмалари



Қатик таркибида ёғ миқдори кам бўлса, кўп касалликларга даво ҳисобланади. Машҳур ватандошимиз Абу Али ибн Сино ошқозон-ичак ярасини даволашда қатикдан фойдаланган. Бу даволаш усуллари кейинчалик чуқур ўрганилиб, қатик парҳез таом сифатида озиш, куч тўплаш, жазирама иссиқда чанқоқни босишда самарали қўлланган.

## Қатик — кони фойда

Дўкондаги сут-қатик маҳсулотиде фойдали бактериялар кўпи билан 3-5 та бўлса, маҳаллий қатигимизда бундай микроорганизмлар тури 22 тагача етади. У кишин-ёзин истеъмол қилинади.

Бемор узоқ вақт антибиотик қабул қилса, унинг қолдиқлари организмда сақланиши мумкин. Бундай ҳолатда шифокорлар, албатта, қатик ичишни тавсия қилади. Унинг таркибидаги микроорганизмлар ошқозон-ичак касалликларини чақирадиган микробларни даф қилади Шу билан бирга, қатик иммунитетни кучайтиради. Сурункали ҳолсизлик, уйқунинг бузилишида ҳам фойдаси катта.

Қатик таркибидаги сут кислотаси ошқозон ширасини кўзгаб, ичак деворининг қисқаришини кучайтиради. Айнан шу сут кислотаси жазирама иссиқни енгишда ёрдам бериб, чанқоқни босади. Ҳозирда сут маҳсулотлари тайёрлаётган фирмалар одамларнинг талабини инобатга олиб, уни керакли витаминларга бойитмоқда. Ушбу маҳсулотлар уй шароитида тайёрланадиган қатикдан анча қиммат. Шунга қарамай, аминокислоталар уй қатигида кўп. Унинг аминокислоталар, А, Д, Е витаминларига бойлиги олимларни ҳайратга солади.

Эчки сутидан тайёрланган қатикнинг шифобахш хусусияти анча. Ўпка касалликларига дучор бўлган беморлар доимий эчки сутини истеъмол қилишади.

Олимларнинг тажрибасига кўра, бир пиёла қатик бир неча таблетка ва протеин коктейл қувватини берар экан. Дўконлардаги сунъий қатик маҳсулотлари ойлаб сақланаверади, уй қатиги эса музлаткичда 2 ҳафтага боради, холос. Табиий қатикнинг ўзига хос таъми, ташқи кўриниши бор. У атеросклероз, юрак хасталикларининг олдини олади, гипертоник асоратларни камайтиради.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,  
тиббиёт фанлари доктори,  
профессор

**Футбол**

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида 2014 йилда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатининг навбатдаги саралаш мусобақаси учун қуръа ташланди. Осиё қитъасида бешта гуруҳ вакиллари ўз рақибларини билиб олишди.




**Осон**

**бўлмаслиги аниқ**

Ўзбекистон Япония, Сурия ва Шимолий Корея терма жамоалари билан «С» гуруҳидан жой олди. Сўнгги жаҳон чемпионатининг икки қатнашчиси ва Осиё Кубогида ўзини яхши томондан кўрсата олган терма жамоаларга қарши учрашувларда терма жамоамизга осон бўлмаслиги аниқ.

Демак, гуруҳлар билан танишинг:



Саралаш босқичи тақвими қуйидагича:

<b>1-тур</b> 2 сентябр 2011 йил Япония – КХДР Сурия – ЎЗБЕКИСТОН	<b>11 ноябр 2011 йил</b> ЎЗБЕКИСТОН – КХДР Сурия – Япония
<b>2-тур</b> 6 сентябр 2011 йил ЎЗБЕКИСТОН – Япония КХДР – Сурия	<b>15 ноябр 2011 йил</b> ЎЗБЕКИСТОН – Сурия КХДР – Япония
<b>3-тур</b> 11 октябрь 2011 йил Япония – Сурия КХДР – ЎЗБЕКИСТОН	<b>29 феврал 2012 йил</b> Япония – ЎЗБЕКИСТОН Сурия – КХДР
<b>4-тур</b>	

Ҳар бир гуруҳдан энг кучли икки терма жамоа саралаш мусобақасининг ҳал қилувчи — тўртинчи раундига йўлланма олади.

**Иккинчи давра**

Футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лигасида иштирок этаётган ўн тўрт жамоа иккинчи давра беллашувларини бошлади.

Ўн тўртинчи турнинг қутилмаган натижаси Қарши шаҳрида қайд этилди. Чемпионлик учун курашаётган «Насаф» футболчилари ўз уйда мусобақа жадвалида сўнгги поғонада турган «Динамо»га (Самарқанд) кичик ҳисобда имкониятни бой берди.

«Насаф»нинг очко йўқотиши пойтахт вакиллари — «Бунёдкор» ва «Пахтакор»га қўл келди. Жорий мавсумда ҳали мағлубиятга учрамаган «Бунёдкор» футболчилари сафар учрашувида «Бухоро» дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритди. Бу ғалабадан сўнг Миржалол Қосимов шогирдлари очколари сонини 38 тага етказди ва асосий таъкибчиларидан бири — «Насаф»дан саккиз очко илгарилаб кетди.

«Пахтакор» футболчилари эса «Андижон»ни 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ўйин пойтахтликлар учун омадсиз бошланиб, водийликларнинг моҳир ҳужумчиси Юрий Целих иккинчи дақиқадаёқ ҳисобни очган бўлса-да, ҳужумкор ўйин кўрсатган майдон эгаларидан Шерзод Каримов иккита, Станислав Андреев, Фарҳод Тожиев ва Кахи Махарадзе биттадан тўп киритиб, жамоасига ғалаба келтирди. 32 очко тўплаган «Пахтакор» мусобақа жадвалида иккинчи ўринга кўтарилди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:



«Олмалик» (Олмалик) — «Қизилқум» (Зарафшон) 2:1, «Машъал» (Муборак) — «Металлург» (Бекобод) 2:1, «Нефтчи» (Фарғона) — «Навбахор» (Наманган) 1:1, «Сўғдиёна» (Жиззах) — «Шўртан» (Ғузор) 2:3.


**Эркин кураш**

**Артур — яна чемпион!**


Эркин кураш бўйича ўтказилган Киев халқаро турнирида икки карра Олимпия ўйинлари чемпиони Артур Таймазов ўз ҳисобига яна бир олтин медални қўшиб қўйди.

120 кг. бўлган спортчилар ўртасида ҳамюртимиз ҳал қилувчи беллашувда қозоғистонлик Марид Муталимов устидан зафар кучди ва шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Энг енгил вазн тоифасидаги (55 кг.) эркин курашчилар мусобақасида қатнашган икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров бу гал иккинчи ўринни эгаллаб, қумуш медали билан тақдирланди.



**Теннис**



**Ғолибона юриш**

Фарғонада теннис бўйича ўтказилган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига кирувчи «Fergana Cup — 2011» халқаро турнирининг ўсмирлар ўртасидаги яқкалик беллашувларида ҳамюртимиз Темур Исмоилов исроиллик Тал Голденгоренни 6:1, 6:2 ҳисобида енгиб, турнир ғолиби бўлди.

Жуфтликлар мусобақаси финалида Абдуворис Саидмухаммедов билан ҳамкорликда дуэт ташкил қилган Темур Исмоилов Авиб Бен Шабат ва Оран Резник жуфтлигини 6:2, 6:2 ҳисобида доғда қолдириб, бош совринга эга бўлди.

Қизлар ўртасидаги жуфтлик беллашувларида ҳам ўзбекистонлик теннисчиларнинг қўли баланд келди. Нателла Набиева ва Алиса Огородова ҳал қилувчи беллашувда биринчи рақамли дуэт — россиялик Екатерина Ключева ва Динара Халилова устидан 7:5, 7:6 ҳисобида зафар кучиб, турнирни ғалаба билан яқунлашди.

**Қисқа, аниқ, лўнда**

Жорий йилнинг 20-31 июл кунлари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бокс бўйича 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

Ойбек Шарипов (+80 кг.) ва Алиёр Норалиев (57 кг.) олтин медалларини қўлга киритган бўлса, Исроил Мадримов (60 кг.) қумуш, шунингдек, Улугбек Абдуқаюмов (66 кг.) ва Акбаржон Мелизиёев (80 кг.) жаҳон чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди.

Умуман, 2001-2011 йиллар давомида АИВА томонидан ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида ҳамюртларимиз саккиз олтин, ўн қумуш ва ўн беш бронза, жами 33 медал жамгариб, терма жамоамиз дунёдаги энг кучли тўрт терма жамоадан бирига айланди.



ҳамюртларимиз саккиз олтин, ўн қумуш ва ўн беш бронза, жами 33 медал жамгариб, терма жамоамиз дунёдаги энг кучли тўрт терма жамоадан бирига айланди.

Қирғизистонда «Bishkek Open — 2011» халқаро турнирининг қизлар ўртасидаги жуфтлик баҳслари ўзбекистонлик иқтидорли теннисчи Алиса Огородова ҳамда россиялик Анна Помятинская ғалабаси билан яқунланди. Ҳал қилувчи баҳсда улар россиялик Яна Еркеева ва Ксения Ласкутова жуфтлигини 6:3, 3:6, 12:10 ҳисобида енгиб, мусобақа бош соврини соҳибига айланишди.

Турнирда иштирок этган ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова эса яқкалик ва жуфтлик беллашувларининг финалигача етиб борди ҳамда иккинчи ўрин билан кифояланди.



Руминия пойтахти Бухарест шаҳрида ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида оғирлиги 60 кг.гача бўлган юнон-рум курашчилари мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Бобур Зайлобиддинов ҳал қилувчи беллашувда полшалик Давид Коречински устидан соф ғалабага эришиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

55 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан вакилимиз Элмурод Тошмуродов эса бронза медали билан тақдирланди.

Адҳам АРСЛОНОВ

**Соғлом авлод — соғлом келажак**

Пойтахтимизда жойлашган «Истиқлол» спорт мажмуасида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида спорт мусобақалари бўлиб ўтди.



Тошкент шаҳар Олмазор туман ҳокимлиги, «Адолат» СДП Олмазор туман кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият ва тарғибот маркази туман бўлими, шунингдек, «Қизил ярим ой» жамияти туман бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда спортчилар, маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари, ўсмир-ёшлар иштирок этди.

Тадбир доирасида ташкил этилган мини-футбол, стол тенниси, шахмат, шашка, «кувноқ стартлар» мусобақаларида туман ҳудудидаги ўн маҳалладан 250 нафар ўсмир-ёш ўзини синаб кўрди.


— Истиқлол туфайли фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етиши, бахтли ҳаёт кечириши учун барча имкониятлар яратилмоқда, — дейди «Қизил ярим ой» жамияти туман бўлими раҳбари Хурсандой Аҳмедова. — Болаларимиз мана шу имкониятлардан унумли ва

оқилона фойдаланиши, ўз иқтидорини намоён этиб, Ватанимиз равнақига ҳисса қўшиши лозим. Бундай тадбирлар ўғил-қизларимиз онгида ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мусобақа ва танлов ғолибларига ҳамкор ташкилотларнинг совғалари топширилди. Намойиш этилган концерт иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Элёр БОЗОРОВ

Талқин, таҳлил, мулоҳаза



**Социологларнинг таъкидлашича, XX асрнинг биринчи шахси сифатида Алберт Эйнштейн қайд этилса, иккинчиси Мохандас Карамчанд Ганди ҳисобланади. Бу бежизмас, албатта. Зеро, Ганди ўзининг кечинмаларга бой ҳаёти билан фақатгина ҳинд халқи учун эмас, бутун дунё халқлари учун намуна бўлиб қолди. Айниқса, унинг «аҳимса», яъни, куч ишлатмаслик сиёсати жаҳондаги озодлик ҳаракатлари учун фавқуллодда катта ҳисса бўлиб қўшилди. Давр мустамлакачиликнинг нақадар жирканчилиги, умум-башарият бошига мислсиз мусибатлар солишини ҳар жиҳатдан асослаб, фош қилишни талаб этар, олдинда Ҳиндистондай катта ва сермиллат халқни қарамликдан халос этишдай ўта мураккаб ҳамда залворли вазифа турарди. Ана шундай вазиятда ватанпарвар кучларни бир ёқадан бош чиқариб курашишга чорлай билган шахс Маҳатма Ганди бўлди.**

XX асрнинг иккинчи шахси

Ҳинд халқининг отаси нафақат сиёсий, балки ҳар бир жабҳадаги ўз тушунчаси, дунёқараши ва ҳаётда кўзлаган мақсадларини ошқора, холисона ифодалаган бир манба борки, бу китоб «Менинг ҳаётим» деб номланади. (2009 йили ўзбек тилига ўгирилиб, «O'zbekiston» нашриётида чоп этилган). Гарчи таржимаи ҳол тарзида ёзилган бўлса-да, у фақат муаллиф ҳаётига чизгилар бермайди. Унда тилга олинган ҳинд урф-одатлари, бошқа динларга оид таъриф ва шарҳлар, ҳикматга тўйинган панду ўғитлар китобхон дунёқараши, тафаккурида эврилиш ясайди.

ЮРАҚДАГИ ГУРУ

Ўн уч ёшда мажбурий никоҳланган ўспиринни кўз олдингизга келтиринг.

Ҳали дунёқараши тўла шаклланмаган, «... ўйламай-нетмай ҳаёт баҳри уммони-га улоқтириб ташланган бир жуфт ёш жон»нинг бири Мохандаснинг ўзи эди. У дамларни хушламай эсларкан, муаллиф шундай ёзади: «Одамнинг болалиқдан орттирган ҳаётий таассуротлари шу қадар кучли бўладики, ҳар қандай йўл-йўриқ ортиқча бўлиб қолади... У саводсиз эди... ўзидаги жаҳолатдан сира ташвишланмасди... ўйлашимча, билимга интилишимда мен ёлғиз эдим. Барча иштиёқларим бир хотинга жамланган эди ва бунинг муздини шу билан тўлашларини талаб этардим...». Бир сўз билан айтганда, ҳали ўйинқароқлиги кетмаган боланинг елкасига у шу ёшда кўтара олиши мумкин бўлган юқдан икки-уч ҳисса ортиғи «ортмоқланган» эди. Энди

«арава»ни амаллаб тортиб юраверса ҳам ундан ҳеч ким норози бўлмасди. Лекин Мохандас улғайгани сайин ирода кучи ҳам ортиб борди. Нимжон ва озғин елкасига миллатнинг-да юкини ортмоқлаб олди. Шунга ўзини бурчли деб билди. Натижада, у бутун дунё танийдиган, халқи юксак фахр билан тилга оладиган, ўз тили билан айтганда «юрақдаги гуру (устоз)» мақомига эришган буюк алломага айланди. «Ўйлайманки, гурусиз чинакам билишнинг иложи йўқ деганда катта ҳақиқат бор», — деб ёзади у. — «Учта замондошим менинг ҳаётимга кучли таъсир кўрсатди: Райчандбхай мен билан бевосита суҳбатлашиб; Толстой — «Ичимиздаги тангри салтанати» китоби билан ва Раскин — «Ҳам биринчи, ҳам охири бўлганга» китоби билан».

Ҳикоятлар

Гандининг ҳикматга йўғрилган ҳаётий хулосалари кўпчиликка асқотиши тайин. Сутни сиғдиришга кўп ва катта идиш керак, аммо қаймоғи майдароқ идишга ҳам жой бўлаверади, деган нақлни эслаб, ушбу китобдан «сузиб» олинган ўғитлардан намуналар бериш жоиздай...

Барча масалаларда ҳар қандай одамнинг ваъдасига ишонса бўлади, аммо пул масаласи бундан мустасно.

Модомики мен жамоат хизматиға бошим билан шўнғиб кетган эканман, бунинг сабаби менинг ўзимни англашга бўлган интилишимдан иборат эди.

Кўп ҳолларда фикрлардаги зиддиятлар ҳам фойдали бўлади.

Болалар орасида бўлганимда ўзимни дунёдаги энг бахтли одам деб билмаман.

Нафратсиз бирон нарсадан воз кечиш узоққа бормайди.

Бизнинг нафсимиз шунчалик кучлики, уни ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан қатъий қоидаларга солган тақдирдагина тийиш мумкин.

Ақл ҳар қанақанги ҳиссийлик сарчашмаларида жойлашган бўлади.

Қандайдир ситам етса, бу бизнинг гуноҳларимиз учун берилган жазо экани ҳақидаги фикр мени газабга миннишдан сақлаб турарди.

Бойлик, ҳокимият ва мартаба деб инсон содир этган гуноҳ ва қилмишлар тўлови нақадар оғир!

Ҳаёт ипининг учи Худонинг кўлида экан, нима учун бу ҳаётни Унга ишонмаслик керак.

Ҳақиқат саналмиш Худодан бошқа ҳамма нарса ноаниқ бўлган бу дунёда бирон-бир аниқ нарсани кутиш керак эмас.

Фоний жисмимизни безаш ва унинг киприк қоққулқдай умрини узайтиришга ҳаракат қилиб, кўплаб ўзгалар ҳаётини қурбон қилишдан уялмаймиз, натижада эса... ўз-ўзимизни ўлдирамиз.

Ота-оналарнинг ўз нағмаларини болаларга тарқатишга нима ҳақлари бор!?

Болаларнинг руҳий тарбияси уларнинг жисмоний ва ақлий тарбиясига қараганда анча қийин иш... Руҳни ривожлантириш — феъл-атворини шакллантириш демакдир.

Одам тайёргарликни ҳаётининг сўнги поғонасига ташлаб кўяр экан, у ўзини ўзи англаш даражасига етмайди, балки шундай бир кексаликка етишадикки, бу кексалик иккинчи, аммо энди ачинарли бир болалик билан тенг бўлиб, у атрофдагилар учун малоллик келтиришдан бошқа нарсага арзимайди.

Агар ёлғончи бўлганимда, болаларни тўғри гапиришга ўргатишдаги барча уринишларим зое кетган бўларди. Мен ўзим билан ёнма-ён яшайётган ўғил ва қизлар учун ҳар доим жонли мисол бўлишим кераклигини тушуниб эдим.

Ҳақиқат йўлида, табиийки, газаб, худбинлик, нафрат каби нарсалар гоийб бўлади. Ақс ҳолда, унга эришишнинг иложи бўлмайди.

Ўзини похламасдан туриб ерда ушайдиган барча жонзотлар билан уюшиб кетишнинг иложи йўқ. Ўзини ўзи поклаш деганда фаолиятнинг барча турларида покланишни тушуноқ керак. Покланиш гоёт юқумли ҳамдир: ўзини ўзи поклаш муқаррар равишда атрофдагиларнинг ҳам покланишига олиб келади. Аммо покланиш йўли ўйдим-чукур ва тикдир. Мукамал покликка эришиш учун фикрлар, сўзлар ва ишларда эҳтирослардан тўла халос бўлмоқ, севги ва нафрат, ҳавас ва ирганиш сингари бир-бирига қарама-қарши тўйгулардан юқори турмоқ керак бўлади.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

6 минг йиллик қамоқ жазоси

Гватемала суди тўрт нафар собиқ аскарнинг ҳар бирини фуқаролар уруши даврида содир этган қотилликлари учун олти минг йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилди.




Маълум бўлишича, собиқ аскарлар 1982 йилда Гватемала шимолидаги Дос Эррес қишлоғида содир этилган қиргин пайтида 201 кишининг ҳаётига зомин бўлишган. Ушанда мамлакат армиясининг шу аскарлар хизмат қилган махсус қисми аҳолиси партизанларга ёрдам берганликда гумон қилинаётган қишлоқда «тозалов» ўтказган.

Айбланувчилар содир этган ҳар бир қотиллиги учун 30 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Шунингдек, улар инсониятга қарши турли даражадаги жиноятлари учун

жами 6060 йилга озодликдан маҳрум этилади. Суд улардан бирига талончилиги учун яна 6 йил қамоқ жазоси қўшди. Ҳукм қилинганлар эса ўзларини айбсиз деб ҳисоблашмоқда.

Бу Гватемаладаги фуқаролик уруши даврида жиноят содир этгани гумон қилинадиган шахслар устидан ўтказилган илк суд жараёнидир. Ҳалок бўлганларнинг яқинлари суднинг бундай қарори ҳарбий жиноятлар кўриладиган кейинги суд жараёнлари учун ўрнатилганга умид билдиришди.



Товон пули тўланади

Россиянинг Благовешенск шаҳрида содир бўлган бўрондан жабрланганларга товон пули тўланадиган бўлди. Бу ҳақда Амур вилояти ҳокимияти матбуот маркази хабар берди.

Маълумотларга қараганда, табиий офат оқибатида ҳалок бўлган кишининг оиласига 300 минг рубл, ўрта ва оғир даражада жароҳат олган саккиз кишига эса 100 минг рублдан товон тўланади. Шунингдек, вилоят ҳокимлиги бўрондан талофат кўрган уй эгаларига 10 мингдан 50 минггача, автомашинаси батамом ишдан чиққанларга эса 100 минг рублдан тўланишини маълум қилди.

Вилоят ҳокимлиги табиий офат оқибатида зарар кўрган тадбиркорларга ҳам ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, уларга бутунлай сафдан чиққан муассасани тиклаш учун етказилган зарарнинг 70 фоизи миқдориди моддий ёрдам кўрсатилади.


Барча тўловларнинг жорий ҳафтада амалга оширилиши режалаштирилган.

Шаҳар бедарвоза бўлса...

Перу жануби-шарқида номатълум жиноий гуруҳ автомобил йўлини тўсиб қўйиб, бир неча соат давомида машиналардаги йўловчиларни талаган. Хабарларга қараганда, жиноятчилар қурол билан пўписа қилиб, тўрт соат давомида 400 дан ортиқ кишининг пул ва турли қимматбаҳо буюмларини олиб қўйган. Йўловчиларни эса қўйиб юбормасдан, йўл четидида жойларда юзларини ерга қаратган ҳолда ётишга мажбур қилишган.

Хабарларда ёзилишича, жиноят содир этилган Карабай тумани аҳолиси кам, ички алоқа тармоқлари ҳам ёмон аҳволдаги бир ҳудуд бўлиб, яқин атрофдаги полиция бўлиналарида оддий телефон алоқаси ҳам мавжуд бўлмаган.

Полиция ходимларининг дастлабки ҳисоб-китобларига қараганда, олиб қўйилган молларнинг нархи 180 минг АҚШ долларига тенг.



Гватемаладаги фуқаролик уруши даврида жиноят содир этгани гумон қилинадиган шахслар устидан ўтказилган илк суд жараёнидир. Ҳалок бўлганларнинг яқинлари суднинг бундай қарори ҳарбий жиноятлар кўриладиган кейинги суд жараёнлари учун ўрнатилганга умид билдиришди.

Истеъмолга яроқсиз сув

Кельн, Ганновер, Франкфурт-Майн каби ўнлаб шаҳарлардан олинган 50 та водопровод суви намуналарининг деярли ярми юқори даражада зарарланган деб топилди. Баъзи ҳолларда эса сувдаги микроблар даражаси меъёридан 8 марта ошганлиги қайд қилинган.

Жамият мутахассислари ичимлик суви зарарланишининг асосий манбаи сифатида эскирган водопровод тизимларини кўрсатишмоқда. Бундан ташқари, водопровод жўмрақларининг талаб даражасида ёки умуман тозаланмаслиги каби гигиена қоидаларига эътиборсизлик ҳам сувнинг сифатига салбий таъсир кўрсатар экан.

Кўп ҳолларда ичимлик сувида кўнгул айниши ва ич кетишига сабаб бўлувчи ичак таёқчалари бактерияси топилган. Тўртта намунада эса ўпка хасталикларини кўзга-тувчи легионелла бактерияси мавжудлиги қайд этилган. «Ушбу намуналар олинган сув манбалари иммунитетни паст кишилар соғлиғига хавф туғдиради», дейди жамият эксперти, микробиолог Валтер Дормаген.

## «Биз – бунёдкор халқимиз» танловига

МУНЧОҚЛИ  
ГУЛЛАР ИФОРИ

Маъмура Шодиева тикувчилик касбини давом эттириш билан бирга, икки йилдан бери мунчоқлардан гул ясади.

— Битта гулни ясаш учун икки кун вақтим кетади. Бу ишим ҳам рўзгоримга фойда келтиради, ҳам зериктирмайди. Бозорга олиб чиққанамда эса хариддорларнинг кўзини қувонтиради, — дейди у. Меҳнатнинг катта-кичиги бўлмайди. Маъмура опанинг мунчоқдан ясалган гуллари кўпчиликнинг хонадонини безашга улгурган.

Назира БОЙМУРОДОВА.  
Муаллиф олган сурат



Гулистонда Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди.

Ягона ватан  
фарзандларимиз

Сирдарё вилоятида 70 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тотув ва иноқ ҳаёт кечирмоқда. Вилоятда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари томонидан маданий-маърифий тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик, тотувлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаёттир.

Республика Байналмилал маданият маркази, вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур фестивал ҳам бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаб, Ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшиб келаётган турли миллат вакиллари қадрият ва аъёнларини асраш ҳамда ривожлантириш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилди.

Фестивалда миллий маданият марказлари жамоалари ўзларининг ранг-баранг дастурларини намойиш этди. Тадбир иштирокчилари ва меҳмонлар турли миллат ва элатларнинг урф-одатлари, кўшиқ ва рақслари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

— Ҳар бир халқнинг асрлар оша сайқал топиб келаётган ўзига хос урф-одатлари ва аъёнлари бор, —

дейди вилоят рус миллий маданият маркази раҳбари Денис Дубков. — Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида юртимизда қарор топган бағрикенглик ва тенглик муҳити туфайли Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ўзига хос қадриятлари асраб-авайланиб, бардавомлиги таъминланмоқда.

Вилоятда фаолият юритаётган «Баркамол авлод» болалар маркази, коллеж ва лицейларнинг ижодкор ёшлари томонидан ташкил этилган кўргазма барчада катта қизиқиш ўйготди.

Фестиваль доирасида «Биз — ягона Ватан фарзандларимиз» мавзуда илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда сўзга чиққан Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Мухаммадиев, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов ва бошқалар Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва осойишталик, миллатлараро тотувликнинг ҳуқуқий асослари, мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари эмин-эркин яшаш, билим олиши ва меҳнат қилиши учун яратилган тенг имкониятлар ҳақида сўз юритдилар.

Фестивал Олим Хўжаев номидаги вилоят мусиқали драма театрида санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури билан яқунланди.

Д.ЭСОНОВА,  
ЎзА муҳбири

Буюк ва муқаддасан,  
мустақил Ватан!

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Самарқанд вилоятида ҳам турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари, мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Пастдарғомда  
ижодий учрашув

Пастдарғом туманида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказилган ана шундай тадбирда пойтахтдан келган олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар иштирок этди.

Учрашувда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз фаровонлигини, мамлакатимизнинг изчил тараққиётини таъминлашга, унинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзгариш ва янгиланиш жараёнлари юртимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида ўз амалий ифодасини топаётгани, айниқса, қувонарлидир.

— Самарқанд шаҳрида, Пастдарғом тумани маркази — Жума шаҳарчасида кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ҳар қандай одамга ғурур ва ифтихор бағишлайди, — дейди «Ёшлик» журнали бош муҳаррири, ёзувчи Собир Ўнар. — Рўйи замин сайқали Самарқанд мустақиллик туфайли янада чирой очиб, кўркамлашганига гувоҳ бўлдик. Бу ерда бошланган улкан бунёдкорлик ишлари барча жойда давом этаётганини Пастдарғом тумани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон халқ артисти Наима Пўлатова, Ўзбекистон санъат арбоби, бастакор Дилором Омонуллаева ҳамда самарқандлик санъаткорларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ф.ҲАСАНОВ,  
ЎзА муҳбири

## Жараён

Маргилон шаҳридаги 9-Болалар мусиқа ва санъат мактабида 185 нафар ўғил-қиз замон талабларига мос тарзда мусиқа илмидан таълим олаёттир.

## Санъат кошонасида

Ушбу мактаб яқинда Фарғона шаҳридаги «Барақа файз инвест» масъулияти чекланган жамияти курувчилари томонидан мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бунга 549 млн. 406 минг сўм маблағ сарфланди. Шу тариқа ўқувчиларнинг санъат сирларини пухта ўрганишлари учун

барча шароит яратилди. 28 нафар ўқитувчи фортепиано, рақс, миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, аъёнаний хонандалик, хореография, скрипка йўналишларида таҳсил бермоқда.

М.Қориёқубов номида вилоят миқёсида ўтказилган кўрик-танловда Муштарий

Эминжонова рақс йўналиши бўйича ғолибликни эгаллаб, лауреат бўлди. Гўзал Абдурахмонова рақс, Гулноза Саидмавлонова дутор йўналиши бўйича биринчи ўринга лойиқ топилиб, диплом билан тақдирланди.

Яқинда мактаб учун 600 млн. сўмлик замонавий мусиқа асбоблари сотиб олинди.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

Газетанинг навбатдаги сони 9 август, сешанба кўни чиқади.



oliy baxt

МУАССИС:  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир:  
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:

Normamat ALLAYOROV,  
Nosirxon AKBAROV,  
Muhammad Ali AHMEDOV,  
Oksana BELAUSOVA,  
Dovud MADIYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Baxtiyor MAHMADALIYEV,  
Sog'indiq NIYETULLAYEV,  
Eson RAJABOV,  
To'liqin TESHABOYEV,  
Jahongir SHAROFBOYEV  
(Mas'ul kotib),  
Anvar YUNUSOV

Бизга кўнғироқ қилинг:

Котибият: 256-52-78  
Хатлар бўлими: 256-85-43

Вилоят муҳбирлари:

Андижон + 99897 465 05 88;  
Бухоро + 99893 653 50 81;  
Жиззах + 99872 360 00 10;  
Навоий + 99893 725 46 40;  
Наманган + 99897 491 79 27;  
Самарқанд + 99866 933 25 04;  
Сурхондарё + 99897 458 05 07;  
Фарғона + 99891 679 32 79;  
Қашқадарё + 99897 414 30 78  
Қорақалпоғистон Республикаси  
ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,  
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.  
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар h белгиси остида чоп этилади.

E-mail: ishonch2011@gmail.com

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корона маъноси: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ISSN 2010-5002 9772030500004

Навбатчи муҳаррир:

Ж.Шарофбоев

Навбатчи:

А.Арслонов

Мусахҳих:

С.Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер:  
Ҳ.Абдуҷалилов

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 21.00

Буюртма Г— 811

Тиражи: 13617

1 3 4 5